O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

Chorshanba, 4-mart, 2009-yil • №9-10 (615) • 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan • e-mail: hurriyat@mail.ru • www.uzhurriyat.uz

ГАЗЕТА, БОШ МУҲАРРИР, МАСЪУЛИЯТ



Мутахассис бўлмаган ҳамкасбларим мени тўғри тушунсинлар-у, бош муҳаррир деб имзо қўйишнинг ҳам ўз қонуниятлари бор. Оддий қилиб айтганда таҳририят "бош муҳарририят" мақомига эга бўлгандагина, ўша жамоа учун "Бош муҳаррир" лавозими жорий этилса, тўғри бўлади.

⇨ 4-бет

БЕРУНИЙ ВА НАВРЎЗ

Беруний Мовароуннаҳр халқларида, жумладан, сўғдларда ҳам йиллар ва айрим ойларнинг бошланишида эронликлардаги мавжуд тартиблар қўлланилганлигини айтади. Фақат йил ҳисобидаги ортиқча беш кун уларнинг тақвимида фарқ қилади.

⇨ 6-бет

БАҲОР КЕЛДИ СЕНИ СЎРОҚЛАБ

Зулфияхоним босиб ўтган йўл — шодлик, бахт ва йўқотишлар, дўстлар, устоз-шогирдлар, қилинган ишлар ва амалга ошмаган режалар, сафар таассуротлари билан бой кўнгил йўли бўлди.

⇨ 16-бет

ЮРТИМИЗДА КЎКЛАМ НАФАСИ, НАФОСАТ ФАСЛИ

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

■ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 27 февраль куни Оқсаройда Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё минтақаси бўйича вице-президенти Шигео Катуни қабул қилди.**

■ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таклифига биноан Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов 24 февраль куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Президент Ислом Каримовнинг 2007 йил октябрь ойида Туркманистонга давлат ташрифи чоғида 2008-2010 йилларда маданий-гуманитар ҳамкорлик дастури қабул қилинган эди. Музокараларда ушбу дастур ижросининг бориши кўриб чиқилди.

Музокаралар якунида Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимуҳамедов Ўзбекистон — Туркманистон Қўшма баёнотига имзо чекдилар.

Президентлар 25 февраль куни пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ"га ҳам ташриф буюришди. Бу ерда Туркманистон Миллий кўргазмасининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

■ **Германиянинг Дрезден шаҳрида "Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарлари" мавзусида тақдимот маросими бўлиб ўтди. Жаҳон маданий мероси маркази ҳамда Дрезден университети томонидан мамлакатимизнинг Германиядаги элчихонаси кўмагида ташкил этилган тадбирда Саксония федерал ўлкаси расмий ва ишбилармон доиралари, маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.**



Баҳор. Шу бир сўз замирида дунёни қайта яшнатадиган, ёшартирадиган муқаддас куч мавжуд. Шоир айтганидек, у дарахт шохларида бодроқ қовуради, эндигина оппоқ қордан бўшанган куртакларга ям-яшил тақинчоқларини тақади. Баҳорни бежиз фасллар келинчаги ҳам дейишмайди. Не ажабки, муниса аёлларимиз байрами 8 март ҳам шу фасл аввалида нишонланади. Кўкламнинг хуш насимлари, қуёшнинг заррин нурлари ҳам аввало, қирқ кокилли қизлар сочида жилваланишининг сири шунда бўлса ажаб эмас.

Хусанбой АВВАЛОВ олган сурат-лавҳа.

Сирожиддин САЙЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири

Аёл манзумаси

Бу диёрда ору номус,
шаъну шавкатдир аёл,
Меҳру шафқатдан яралган,
меҳру шафқатдир аёл.

Олам узра бир қуёш бор,
битта ой бордир, ва лек,
Ердаги нур — моҳитобон,
шамси таъватдир аёл.

Она сўзи юрт сўзи бирлан
нечун пайвастадир?
Бир улуғ элдир, Ватандир —
шунга сарҳатдир аёл.

Кўкдаги кунларни ҳам
чарчатгуси меҳнатдир,
Уч юз олтмиш томири
иш бирла заҳматдир аёл.

Жон десам жононадир,
жоним десам жонимдадир,
Ул муҳаббат оламига
мангу даъватдир аёл.

Мен қошингизнинг қаросидан
дилимга хат олай,
Вах, нечук нозик нафосат,
инжа санъатдир аёл!

Бу гўзал нозу адолар
ҳеч адолар қилмагай,
Қайта-қайта жон ато
этгувчи ҳайратдир аёл.

Умрингизнинг боғларига
файз берган ҳам ўшал,
Билсангиз ҳақдин мукофот
ҳамда рағбатдир аёл.

Онажоним, Она юртим,
давлатинг кам бўлмагай,
Токи сен борсан жаҳонда
катта давлатдир аёл!

ОМАД КАЛИТИ БИЛИМДАДИР

жаҳондаги энг нуфузли олий таълим даргоҳлари қаторидан жой олган Тошкент Халқаро Вестминстер университетида етук мутахассислар тайёрланмоқда



Бундан етти йил муқаддам Президентимиз ташаббуси билан Буюк Британиянинг Вестминстер университети билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур олий таълим масканида айни пайтда 700 дан зиёд талаба таҳсил олмоқда.

Ҳа, жаҳон илм-фани билан ҳамнафас бўлиш, пухта билим эгаллаш учун барча имкониятларга эга замонавий ўқув муассасасида таълим олишни ким ҳам орзу қилмайди, дейсиз?! Айниқса, ушбу таълим ўчоғини битирувчилар иш тополмасликдан чўчишмаса, турли нуфузли идораларда бундай ёшларга талаб катта бўлса, орзу аниқ мақсадга айланиши турган гап. Хўш, бу масканда абитуриентларни ўқишга қабул қилиш тартиби-ю, билим бериш тизими қандай? Унинг ўзига хослиги нимада?

Дорилфунунга бориб, шу каби саволларга жавоб топишни, қолаверса, таълим жараёни, бошқа ўқув муассасаларидан фарқли жиҳатлари, унда таҳсил олаётган талабаларнинг салоҳияти билан яқиндан танишишни ният қилдик.

● ДОРИЛФУНУННИНГ ТАШКИЛ ТОПИШ ТАРИХИ

— Эсингизда бўлса, бундан бир неча йиллар олдин "Умид" жамғармаси ташкил этилиб, ўзбекистонлик ёшларнинг чет элларга бориб ўқишлари учун имконият яратилган эди. Бу имтиёздан юзлаб талабалар фойдаланишди. Жамғарма ўз вазифасини яхши бажарди-ю, лекин бу жараён илмий мактаб сифатида шаклланмай қолаверди, — дея гап бошлади университетнинг ижтимоий ишлар бўлими раҳбари Алишер Собиров. — Бизнинг фарзандларимиз ўшанда ҳам ҳеч қайси чет давлатда ўзини заиф сезмаган, аммо ота-онасидан йироқда, баъзан сал ноқулай муҳит таъсирига тушиб қолганлари ҳам бўлган. Шулар ҳисобга олинган ҳолда, мамлакатимиздаги таълим тизими ва халқаро таълимни бирлаштириб, юртимизда алоҳида олий ўқув даргоҳи ташкил этиш мақсадга мувофиқ эди. Яъни йигит-қизларимизга шу ерда халқаро университетнинг дипломини берайлик-да, улар ўз ота-оналари бағрида улғайсин. Шу мақсадда Президентимизнинг 2002 йил 16 январдаги Фармонига асосан Тошкент Халқаро Вестминстер университети очилди.

Бу олий даргоҳда барча машғулотлар фақат инглиз тилида олиб борилади. Ўзига хос кўркам бинода жойлашган ушбу масканда талабаларнинг пухта билим олишлари учун барча зарур шарт-шароитлар яратилганига гувоҳ бўлдик.

3 »

8 март — Халқаро хотин-қизлар куни

АЁЛ БОРКИ – ОЛАМ МУНАВВАР

Тўти ЮСУПОВА, Ўзбекистон халқ артисти:

Болалигим Иккинчи жаҳон урушининг суронли йилларига тўғри келган. Эркаклар жангга кетгани боис, кетмон чопиш, пахта териш, экинларга сув қуйиш, рўзғор юмушларининг барчаси аёллар зиммасида бўлган. Энам бизга бир парча арпа нонни (у пайтларда буғдой унини топишнинг ўзи амримаҳол эди) топиб едириш учун эртадан кечгача далада меҳнат қилардилар. Энамга эргашиб мен ҳам далага борардим. Теримчиларга қўшилиб пахта терардик, пешинда ўсма қўярдик. У пайтда хотин-қизлар байрамини нишонлаш қаёқда дейсиз? Қорнимиз тўйган, эгнимиз янги кийим кийган куннинг ўзи биз учун катта шодиёна эди.

1941 йил... Отамни урушга кузатиш учун йўлга отланганимизда, отам «Тўтихон зеҳни ўткир қиз. Агар урушдан қайтмасам, қизимизни ўқитинг» дея энамга тайинлаганини ҳамон қулоғим остида жаранглайди. Энам чиройли, самимий, очиққўнгил, меҳрибон айни пайтда қаттиққўл аёл эдилар. Мен эса ёшлигимда оловдек бўлганман.

2 »

■ ДУНЁ СИЁСАТИ

180 кун муҳлат берилди



Қирғизистон Президенти Курманбек Бакиев мамлакат ҳудудидан АҚШ ҳарбий базасини олиб чиқиб кетиш тўғрисидаги қонунни имзолади.

"Манас" аэропортидаги ушбу авиабаза 2001 йилда БМТ мандати билан Афғонистондаги антитеррор амалиётларни қўллаб-қувватлаш мақсадида очилган эди. Мазкур қонунга биноан америкалик ҳарбийлар 180 кун ичида Қирғизистондан чиқиб кетишлари керак.

Визасиз режим

Сербия ва Россия Федерацияси ўртасида визасиз режим ўрнатиш тўғрисида ҳужжат имзоланди. Энди икки давлат фуқаролари 30 кунгача Сербия ва Россия ҳудудига визасиз бориб келишлари мумкин.

(Дунё сиёсатига оид хабарларнинг давоми ўн биринчи саҳифада) 11»

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

АЁЛ БОРКИ – ОЛАМ МУНАВВАР

(Бошланиши 1-бетда.)

Ҳар гал энам билан далага борганимда «Ана, Тўтихон келаяпти. Бизга қўшиқ айтиб, рақсга тушиб беради», дея қизлар давраси бошланиб кетарди. Мен эса бошимга ироқи дўппини кийиб:

Сув келар тош устида ҳув,
Телпагим қош устида ҳув,
Чаманингда гулзор бўлай,
Омон бўл-а,
омон бўл...

деб баралла қўшиқ хиргойи қилардим. Чунонам ўйнардимки, қалбимдаги дард ғуборларим тўкилиб кетарди.

Кўклам келди дегунча энам иккимиз анҳорларнинг бўйидан этак-этак ялпиз терардик. Ям-яшил далалар, яйдоқ кенгликлар кўзимга сиғмасди. Айниқса, энам билан тизза бўйи тупроқ кечиб ўтган кунларимизни эсласам, кўзимга ёш келади. Ҳар баҳор у киши ёпиб берган кўк сомсани соғинаман. Шундай қаҳатчиликда ҳам энам ҳаётдан нолиганини ҳеч қачон эслолмайман. Борига шукур, йўғига сабр қилардилар. Қалби ҳижрондан, йўқчиликдан азият чекса-да, бизга сездирмай ҳамма ташвишларни ақл-идрок, меҳнат билан ҳал этардилар.

Аммо... энам менинг санъаткор бўлишимни хоҳламаганлар. 1949 йил Самарқандаги хотин-қизлар билим юртини битирар-битирмас, ҳаётимни театрга боғладим. Бу соҳани танлаганим учун яқинларим кечганда ҳам онам кечмади. Ҳозир у воқеаларни ўзгача орзиқиш билан эслайман. Барибир онаона экан-да, ҳар қандай вазиятда ҳам энам менга далда бўлган.

Мана, вақти келиб ўзим ҳам она, буви бўлдим. Фарзандларнинг қувончи-ю, доғ-фироғини ҳам кўрдим. Оилада болаларимга рисоладагидек она бўлишга ҳаракат қилдим. Саҳнада эса она образини яратиш мен учун жуда масъулиятли вазифа. Ҳар гал шу муқаддас АЁЛ образига (у бағритош, қаҳриқаттиқ ёки аксинча сахий, меҳрибон ва муштипар бўладими) мурожаат қилсам, худди онадан қайта туғилгандек бўламан. Чунки дунёда аёл учун энг буюк бахт ОНА бўлишдир. Юртимиздаги барча онажонларни, опа-сингилларни 8 март байрами билан табриклайман.

ЎЗИНГ СУЮК, ЎЗИНГ БУЮКСАН

Гулчеҳра УМАРОВА, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг санъат бўлими мудири:

Кўпинча ўйлаб қоламан: баҳор фасли, айниқса, унинг биринчи ойи байрамларга бойлиги билан севимли ва қадрлимикин ё бунинг бошқа бир сири борми? Назаримда, баҳор фасли, аввало, табиатнинг уйғониш, янги куни, янги ҳаётнинг бошланиши, табиатдаги барча гўзалликларнинг муқаддимаси эканлиги билан қадрли. Эҳтимол, ана шу хислатлар баҳор ва аёл сўзининг уйқашлигига, бири иккинчисини эслатишга асос бўлса керак. Саккизинчи март куни оналар байрамининг, баҳор аёмида гўзал Наврўз тантаналари нишонланишига ҳам балки шу сабабдир.

Нима бўлишидан қатъи назар, баҳор ҳамма учун бирдек қувонч келтириш билан, аёлларга ҳам қувонч ва бахт улашиши билан эъзозли. Аслида, яқинларидан бир оғиз ширин сўз эшитган куни, ўзига азиз инсонларни бахтли кўрган дақиқалари, яхшилик ва эзгулик тантанаси аёл учун байрам. Чуқурроқ ўйлаб кўрсак, аёлга кўп нарса керак эмас. Унга юрти тинч, оила қўрғони мустаҳкам, фарзандлари соғ-омон, яқинлари хотиржам бўлса, шунинг ўзи кифоя.

Ҳар қандай она фарзандлари камолини кўриш орзусида яшайди. Баъзан она, қайнона, опа-сингил, умуман, аёл сўзи олдига баъзан «ёмон» деган сўзни қўшиб ишлатамиз. Менимча, аёлнинг ёмони бўлмайди. Ҳамма аёлларда бир хаёл: оилам тинч бўлсин, фарзандларим соғ-саломат юрсин, топганимиз яхшиликка буюрсин, дейди. Баъзан яхшилик қиламан деб, нотўғри иш қилиб қўйиши, бировга билмай озор етказиши мумкиндир. Лекин бунда асло ғараз, ёмон ният бўлмайди.

Шунинг учун ҳар қандай шароитда ҳам аёлни кечиришимиз, унга ғамхўр бўлишимиз, дилини оғритмаслигимиз керак. Аёлнинг она эканинг ўзи катта унвон. Унга бир оғиз ширин сўз, кичик бир мақтов, битта табассум кифоя. Ана шундан илҳом олган аёлнинг, онанинг билагида тоғни талқон қилгудек ғайрат, қалбида дунёларга етгудек меҳр, уммонларга монанд муҳаббат жўш уради.

Бир қўли билан бола, иккинчи қўли билан олам бешигини тебратаётган, нозик жусса-ю муштдек юрагига олам туғёнларини сиғдиришга қодир. Газаби дунёларни ларзага келтиргудек, меҳри тоғларни қулатгудек қудратга эга. Авлодлар давомийлигининг асосчилари бўлган аёлларни, оналарни ҳар қанча эъзозласак арзийди. Барча аёлларни хусусан, кечаю кундуз қаламини қўлдан қўймай, ҳам ишни, ҳам оилани, ҳам ижодни бирдек уддалаб келаётган ҳамкасбларим – журналист аёлларни баҳор айёми билан, оналар байрами ва яқинлашиб келаётган Наврўзи олам билан чин дилдан қутлайман. Барчамизга байрам муборак бўлсин!

2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

ЮРТИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ БЕЛГИЛАЙДИГАН ДАСТУР

Жорий йилнинг "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб номланиши бежиз эмас. Боиси халқимизнинг аксарият қисми қишлоқда истиқомат қилади, шундай экан юртимизнинг янада обод, аҳоли ҳаётининг янада фаровон бўлиши, албатта, қишлоқларимизнинг бугунги аҳволи ва келажаги билан чамбарчас боғлиқ.

Юртбошимизнинг "Ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, "2008-2012 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури тўғрисида"ги қарорлари ҳамда "Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони мамлакатимизда қишлоқ аҳолисининг фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этди.

Юртимизда босқичма-босқич олиб борилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида, 2009 йил 26 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури тўғрисидаги қарори қабул қилинди. Давлат дастурида белгиланаётган вазифалар бугунги кунда қишлоқларимизда олиб борилаётган бунёдкорлик ишларимизни янада юқори босқичга кўтаради десак, асло муболаға бўлмайди. Жорий йилда Давлат дастури юзасидан учта қонун қабул қилиниши ҳам кўзда тутилаяпти.

Дастурдаги муҳим йўналишлардан бири, қишлоқ жойларида уй-жой ва ижтимоий соҳа объектлари қурилишини лойиҳалаш ҳамда қишлоқ жойларини архитектурасини ташкил этиш тизимини тубдан яхшилаш масаласидир. Ушбу мақсадда бевосита ҳар бир қишлоқнинг ўзига хос шарт-шароитларини инобатга олган ҳолда, уй-жой ва ижтимоий соҳа ҳамда маданий-маиший объектлар қурилишини, ҳар бир қишлоқ учун алоҳида намунавий лойиҳаларини ишлаб чиқиш белгиланган.

Дастурда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктурани янада ривожлантириш орқали қишлоқларда истиқомат қилувчи фуқаролар ҳаёт даражасини юқори сифатга кўтариш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу мақсадда 2009-2015 йилларда қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қуриш программасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш белгиланмоқда. Бу борадаги қурилишларни молиявий маблағлар билан таъминловчи махсус банк ташкил этилиб, намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қуриш учун ёш оилаларга узоқ муддатли ва кам фоизли кредитлар ажратиш кўзда тутилган. Ушбу мақсадларга 250 миллиард сўм кредит ресурсларини йўналтириш натижасида 20 мингдан зиёд оилаларнинг уй-жой шароитлари яхшиланади.

Дастурда қишлоқлардаги сув таъминоти ва электроэнергия таъминоти бўйича 2009-2010 йилларда ялпи инвертаризация ўтказиш, қишлоқ жойларида уй-жой ва инфраструктура объектларини қуриш ва таъмирлайдиган махсус қурилиш ташкилотларини ташкил қилиш, уларни барча солиқ тўловларидан озод этиш кўзда тутиляпти. Бунинг натижасида 40 мингдан зиёд фуқаро иш билан таъминланиши кўзда тутиляпти.

Шу билан бир қаторда йил давомида 45 миллиард сўм маблағ эвазига қишлоқ жойларидаги 1914 километр йўлларни таъмирлаш режалаштирилган. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш учун эса февраль-ноябрь ойларида 1836 километр янги водопровод тармоқларини тортиш, 304 қишлоқда мавжуд сув тармоқларини таъмирлаш белгиланган. Ушбу тадбирлар орқали 360 минг киши тоза ичимлик сувига эга бўлади. Ушбу мақсадга жами 56 миллиард 805 миллион сўм маблағ йўналтирилади.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида 7,5 миллион доллар миқдорида халқаро молия институтларининг кредитларини жалб этиш белгиланмоқда, бунинг натижасида 420 мингдан зиёд аҳоли тоза ичимлик сувига эга бўлади. Қашқадарё ва Навоий вилоятларига ҳам 10 миллион 800 минг долларлик чет эл инвестициясини киритиб, 110 минг аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш белгиланган. Сурхондарё вилоятига сув таъминоти объектларини таъмирлаш учун давлат бюджетидан 625 миллион сўм маблағ ажратилади. Ушбу тадбирларни кейинчалик ҳам давом эттириш мақсадида 2010-2015 йиллар учун махсус дастур қабул қилиш мўлжалланган. Дастурда қишлоқ жойларида сервис ва хизмат кўрсатиш соҳаларини янада ривожлантиришга катта эътибор қаратилиб, жойларда 140 минг та янги иш ўрни яратилиши белгиланган. Жумладан, 452 та савдо шахобчалари (минимаркетлар), 126 та умумий овқатланиш объектлари, 1856 та маиший хизмат кўрсатиш объектларини ишга тушириш режалаштирилган. Ушбу мақсад учун 30 миллиард 169 миллион сўм маблағ ажратилмоқда.

2009-2015 йиллар мобайнида барча қишлоқларда биттадан минибанк очиш ҳам кўзда тутилган. Шунингдек, барча қишлоқларда почта ва телефон алоқа тармоқларини ривожлантириш белгиланган бўлиб, бунинг учун ҳам катта маблағлар ажратилмоқда. Дастурда қишлоқ жойларини ободонлаштириш, ҳашарлар ўтказиш, деҳқон бозорларини таъмирлаш ишларига ҳам эътибор қаратилган бўлиб, бунинг учун 20 миллиард сўмдан зиёд маблағлар йўналтирилди.

Фермер ва деҳқонларга хизмат кўрсатувчи ва маҳсулотларни қабул қилувчи ташкилотларнинг масъулиятини янада ошириш мақсадида намунавий шартнома ва низомларни қайта кўриб чиқиш белгиланган. Шунингдек, банк кредитлари ва лизинг орқали фермерларни техника билан таъминлаш (130 миллиард 315 миллион сўм) мўлжалланган. Фермер, деҳқон, шахсий томорқа хўжаликларида чорвачиликни ривожлантириш бўйича ҳам чора-тадбирлар белгиланмоқда. Бунда, банк кредитлари ҳисобидан 7 минг бош зотдор қорамол олиб келиш, 98 та зооветеринария пунктларини, ҳар бир туманда иккитадан паррандачилик фермаларини ташкил этиш, озуқа экинлари экиладиган майдонларни кенгайтириш белгиланмоқда.

Яна бир йўналиш — тупроқ унумдорлигини доимий равишда ошириш билан боғлиқ. Бу мақсадга эришиш учун ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашдек ўта долзарб масалаларга эътибор янада кучайтирилмоқда. Ушбу мақсадда Дастурда махсус техника ва механизмлар сотиб олиш, коллектор-дренаж тизимларини таъмирлаш ва янгидан қуриш, ирригация тизимларини таъмирлаш, насос станциялари ва скважиналарини қуриш белгиланган ва ушбу мақсадда 195 миллиард сўм маблағ ажратиш кўзда тутилмоқда. Республикамизда 3710 га майдонда томчилаб суғориш жорий этилиш режалаштирилган, ушбу мақсадга 18 миллиард 550 миллион сўм ажратилади. Шунингдек, сув хўжалиги тизимининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун 142,41 миллион доллар миқдорида чет эл инвестициялари киритиш мўлжалланган.

Кичик корхона ва микрофирмаларни ривожлантириш ҳисобидан 110 мингта иш ўрни яратиш мақсадида 132,4 миллиард маблағ йўналтириш кўзда тутилган. Иш билан банд бўлмаган 2000 та хотин-қизларни бизнесга ўқитиш ҳамда ўз ишини бошлаш учун 2,2 миллиард сўм бошланғич капитал ажратиш ҳам кўзда тутилмоқда.

Дастурда инсон саломатлигини асраш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, таълим-тарбия тизимининг моддий базаси ва сифат даражасини кучайтириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Қишлоқ врачлик пунктларини, шифохоналарни, туғуруқхоналарни таъмирлаш, тегишли тиббий ва лаборатория анжомлари билан жиҳозлаш, махсус автотранспорт воситалари билан таъминлаш учун қарийб 27 миллион доллар миқдорида маблағ ажратилиши қувончлидир.

Қишлоқ жойларидаги "Мурувват" уйларини, уруш ва меҳнат фахрийлари санаторийларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш масаласига катта эътибор берилмоқда ва ушбу мақсадларга 2 миллиард 300 миллион сўм маблағ йўналтирилади. 5 мингга яқин ногиронларни протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техника воситалари билан таъминлаш учун 500 миллион сўм маблағ ажратилиши режалаштирилмоқда. Шу билан бирга, қишлоқ жойларида 168 та болалар спорти объектларини қуриш ва реконструкция қилиш, болалар учун 6 та сузиш ҳавзасини бунёд этиш ва таъмирлаш белгиланган бўлиб, ушбу мақсадлар учун 31 миллиард 102 миллион сўм маблағ сарфланади. Шунингдек, қишлоқ мактаблари ва коллежларининг 5000 та ахборот-ресурс марказларини интернет тармоғига улаш белгиланган. Дастурда қишлоқдаги мактаблар ва коллежларнинг моддий-техника базасини янада ривожлантириш, таълим даражаси ва сифатини ошириш мақсадида чет эл сармоядорларининг кредитлари ва грантларини ҳам жалб этиш белгиланмоқда.

Эътибор қаратган бўлсангиз, Дастурдан қишлоқ ҳаёти билан боғлиқ бирорта соҳа четда қолгани йўқ. Барча жабҳалар кенг, комплекс равишда қамраб олинган ва қилинадиган ишлар ҳамда вазифалар аниқ белгилаб берилган.

Бахтиёр КУШАКАЕВ,
Жалғаш МАМАТМЎМИНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Аграр, сув хўжалиги ва экология қўмитаси аъзолари.

ДАВОЛАНИШ УЧУН ГЕРМАНИЯГА

Яқинда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси ҳамда Германиянинг "Фриденсдорф Интернейшнл" халқаро ташкилоти ҳамкорлигида кам таъминланган оилалардаги нуқсонли болалар Германиядаги клиникаларга даволаниш учун юборилди.

"Фриденсдорф Интернейшнл" халқаро ташкилоти 1967 йилда ташкил этилган бўлиб, дунёдаги 35 дан ортиқ мамлакат билан ўзаро ҳамкорлик қилади. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси билан тузилган узоқ муддатли шартномага кўра, 2002-2008 йил давомида юртимиздаги 140 нафар бемор ва ногирон болалар Германия клиникаларида даволаниб қайтишди.

Элбек ЖУМАНОВ,
"Hurriyat" мухбири.

ЎРМОНЧИЛИК РИВОЖИ

Пойтахтимизда БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бўйича ташкилоти ФАО кўмагида "Ўзбекистонда "FACILTY" ўрмончилик дастурини амалга ошириш ва жамоатчиликни хабардор қилиш" мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Ўрмончилик бош бошқармаси томонидан ташкил этилган тадбирда соҳани ривожлантиришда тўсқинлик қилаётган айрим муаммолар тилга олинди. Жумладан, мамлакатимизда ўрмонларни барқарор бошқариш тизимини яратишга қаратилган қонун мавжуд эмаслиги, соҳа моддий-техник базасининг заифлиги эътироф этилди.

Иномжон АБДИЕВ,
"Hurriyat" мухбири

БАЙРАМГА БАҒИШЛАНДИ

Бердақ номидаги қорақалпоқ давлат университетида 8 март — Халқаро хотин-қизлар байрамига бағишлаб турли хил спорт мусобақалари ўтказилмоқда.

Жумладан, ўқитувчи аёллар иштирокида шахмат, волейбол каби спорт турлари бўйича беллашувлар бўлиб ўтди. Унда университетнинг 12 та факультетидан хотин-қизлар қўмиталари раисалари қатнашиб, спортдаги малака ва тажрибаларини янада оширишди. Улар бу билан ўз шогирдлари — талаба қизларни саломатлик гарови бўлмиш спорт билан мунтазам шуғулланишга даъват этишди.

Ғолибларга университет ректори, профессор Озод Матчонов эсдалик совғаларини топширди.

Ғойиб ЁҚУБОВ,
"Hurriyat" мухбири.

КРЕДИТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

Бойсун туман ҳокимлигининг инвестиция дастури лойиҳасига асосан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни жалб этишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Ўтган йили тўқимачилик ва тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган "Умид" кичик корхонасига ҳамда мебель тайёрлашга ихтисослашган "Жило Файз" хусусий корхонасига имтиёзли кредитлар ажратилган эди. Яқинда яна бир тадбиркорлик субъекти — "Хуршид" кичик корхонасига 100 миллион сўм кредит берилди.

Даврон ОРИПОВ,
"Hurriyat" мухбири.

БЎШ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРМАРКАСИ

Тошкент ирригация ва мелиорация институтида "Битирувчи – 2009" меҳнат ярмаркаси ташкил этилди.

Унда танланган ихтисосликлардан келиб чиққан ҳолда республикамиздаги 60 дан ортиқ иш берувчи корхона ва ташкилотлар вакиллари яқинда илм масканидан мутахассислик дипломини олиб, ишга кирмоқни ният қилганларга меҳнат ўринларини тавсия қилди.

Жорий йилда институтни 22 таълим йўналиши бўйича 800 га яқин бакалавр, 24 мутахассислик бўйича 134 нафар магистр битириб чиқади. Албатта, олий таълим муассасаларида бундай меҳнат ярмаркаларининг ташкил этилиши битирувчиларни иш билан таъминлаш билан бирга интеллектуал салоҳияти юқори бўлган ёшлар меҳнатидан унумли фойдаланиш имконини ҳам беради.

Ҳамид НОРҚУЛОВ,
"Hurriyat" мухбири.

ИМКОНИЯТ

Ипотека гаровнинг энг ишончли тури

Мамлакатимизда бозор муносабатлари ривожланаётган айни вақтда мажбуриятлар ижросини таъминлашда гаров алоҳида муҳим аҳамият касб этмоқда. Унинг афзаллиги шундаки, қарздор мулкий аҳволи ёмонлашиб, тўловга лаёқатсиз бўлиб қолишидан қатъи назар, қарз берувчи гаров предмети ҳисобидан ўз талабини қаноатлантириши мумкин.

Гаров турлари орасида ипотека кўчмас мол-мулк гарови энг ишончли юридик восита ҳисобланиб, у ерга ва кўчмас мол-мулкка нисбатан мулкчилик муносабатлари билан узвий равишда боғлиқ.

Аввало, ипотека ўзи нима деган савол туғилиши табиий. 1992 йилнинг 9 декабрида қабул қилинган «Гаров тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 37-моддасига кўра, гаров воситаси кўчмас мулкдан иборат бўлган гаров ипотека деб эътироф этилади. Яъни, у банкнинг жисмоний шахсга кўчмас мулкни гаровга олиш эвазига берадиган қарзи, демакдир. Қонунга асосан кўчмас мулк, шу жумладан биноолар, иншоотлар, кўп қаватли уйлардаги квартиралар, корхоналар, бошқа мулкий мажмуалар, юридик ва жисмоний шахслар мулки бўлган савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари, шунингдек турар-жойлар улар жойлашган ер участкалари билан бирга, қонунда кўчмас мулк жумласига киритилган ва уларга бўлган ҳуқуқлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган бошқа мол-мулк ипотека воситаси бўлиши мумкин.

Мазкур модданинг иккинчи бандида эса, ипотека тарзида белгиланган мол-мулк гаровга олувчига бериб қўйилмайди, дейилади. Бу «Ипотека тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасида янада тушунарлироқ баён этилганки, ипотека бўйича белгиланган мол-мулк, агар ипотека тўғрисидаги шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ипотекага қўювчининг эгалигида ва фойдаланишида қолади.

Кўриниб турибдики, ипотека кредити олишнинг муҳим хусусияти – қурилаётган ёки таъмирланаётган, сотиб олинаётган уй-жойнинг ўзи гаровга қўйилади. Шу жиҳатдан, амалдаги қонунчилик таомилларидан келиб чиққан ҳолда, ажратилаётган кредитнинг бу қулай тури уй-жой қуриш ёки сотиб олиш учун маблағи етмаган ёш оила учун қанчалик катта мадад эканлиги аён бўлади.

Ипотека институти ривожланган мамлакатлар фуқаролик ҳуқуқида энг қадимий институтлардан бири ҳисобланади. Ушбу институт замонавий иқтисодиётни ривожлантиришда ҳам катта аҳамиятга эга. Шунингдек, ипотека аҳолини уй жой билан таъминлаш каби ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

Мамлакатимизда ипотеканинг ривожланиши 2006 йил 4 октябрда Ўзбекистон Республикасининг "Ипотека тўғрисида"ги Қонуни қабул қилингандан сўнг бирмунча даражада ошди. Ушбу қонуннинг қабул қилиниш зарурати шундаки, Фуқаролик кодекси ва "Гаров тўғрисида"ги қонунда ипотека тўғрисида фақат умумий қоидалар белгиланган эди. "Ипотека тўғрисида"ги қонунда эса ипотека тўғрисидаги асосий қоидалар, уни бериш тартиби, ипотека шартномаси бўйича кредитор ва қарздорнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, гаровга қўйилган мол-мулкни асраш ва мажбуриятларни бажариш тўғрисидаги ва ипотека ҳақидаги бошқа қатор қоидалар белгиланди.

Бугунги кунда ипотека кредити орқали уй-жой сотиб олиш истаги кўпчиликни қизиқтираётгани аниқ. Чунки Президентимизнинг "Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг "Уй-жой қурилишига, уни реконструкция қилишга ва сотиб олишга ипотека кредити бериш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қароридан сўнг ушбу соҳа жадал суръатларда ривожланмоқда, деб ишонч билан айтиш мумкин.

Ёш оилаларга ипотека кредити банкда уй-жой қийматининг 25 фоизи миқдоридаги бадални шакллантирганидан сўнг, муддатига қараб, одатдаги йиллик 17-15 фоиз ўрнига 12-14 фоизлик тўловлар асосида ажратилмоқда. Бу банк томонидан ёш оилага берилган имтиёз бўлса, ўз навбатида, тижорат банкларининг ипотекага қўйилган мол-мулкни сотишдан ва берилган ипотека кредитларидан олган даромади ҳам 2010 йилнинг 1 январигача даромад (фойда) солиғидан озод этилганлигини таъкидлаш жоиз.

Яна бир имтиёз – хўжалик юритувчи субъект ёш оила тоифасига кирувчи ўз ходимига қайтариб олмаслик шарти билан ипотека кредити бадалини тўлаб берса ёки мулк сифатида уй-жой сотиб олса, бу хўжалик субъекти мазкур мақсадга сарфланган маблағлар миқдорига тенг ҳажмда, аммо солиққа тортиладиган базанинг 10 фоизидан ошмаган миқдорда даромад солиғи ёки ягона солиқ тўловини ҳисоблашдаги солиққа тортиладиган базани камайтириш ҳуқуқига эга бўлади. Шуни айтиш мумкинки, кредит олувчи ёш оиланинг иш берувчиси, яъни юридик шахс ҳам унга раҳнамолик қилиши мумкин экан.

Мамлакатимизда ушбу соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлардан кўзланган ягона мақсад аҳоли турмуш даражасини янада юксалтириш, ёш оилаларни янада қўллаб-қувватлаш ишларини янги поғонларга кўтариш ва аҳоли реал даромадларини ошишини таъминлашдан иборатдир.

Лазиз МУСАШАЙХОВ,
Тошкент вилоят адлия бошқармаси бошлиғи.

ОМАД КАЛИТИ БИЛИМДАДИР

(Бошланиши 1-бетда.)

● БУ ЕРДА ФАҚАТ БАДАВЛАТ ИНСОНЛАРНИНГ ФАРЗАНДЛАРИ ЎҚИЙДИМИ?

Биз тилга олаётган университет ҳақида гап кетганда кўпчиликнинг хаёлига дарров ана шундай фикр келиши ҳам мумкин. Шу хусусда дорилфунун маркетинг бўлими раҳбари Азиза Ҳакимовага мурожаат қилдик.

— Асло ундай эмас, — деди у киши кулиб.— Лекин бир нарсани унутмаслик керак. Ҳар йили бир қанча ёшлар грант асосида ўқишга қабул қилинади. Келгуси ўқув йилида ҳам йигирмата грант ўрни ажратилиши кўзда тутилган. Бу ўз навбатида шартнома асосида ўқишга қурби етмайдиган билимли ёшлар учун катта имкониятдир. Қолаверса, юртимиздаги турли компания ва молия муассасалари кам таъминланган оилалар фарзандининг билими шартнома асосида ўқишга муносиб бўлган ёшларга ҳомийлик қилиб, уларга шартнома пулини тўлашида кўмак беришмоқда. Кейинчалик бу талабалар ўша компания ёки муассасаларда иш билан

ҳам таъминланадилар.

Ижтимоий масалалар бўйича ректор ўринбосари Низом Қодиров бизга абитуриентларни олий таълим даргоҳида қабул қилиш тартиби ва кириш имтиҳонлари хусусида қуйидагиларни гапириб берди:

— Аввало, талаба бўлишни ният қилган ҳар бир йигит ёки қиз халқаро миқёсда тан олинган ташкилотлар, жумладан Буюк Британия кенгаши томонидан синовдан ўтказилиб, инглиз тилини қай даражада билиши аниқланади. Кимнинг билим кўрсаткичи 5,5 баллга етса (энг юқори балл 9,00), унга махсус сертификат берилади. Инглиз тилидан имтиҳонлар натижаси Лондонда тақдирилади. Иккинчи синов имтиҳони — математика фанидан бўлади. Унда асосан ёшларнинг математикадан билими ва тафаккур кенглиги мантиқий саволлар асосида баҳоланади. Бу синовдан ҳам муваффақиятли ўтган абитуриент талаба бўлиш бахтини қўлга киритади. Шу ўринда яна бир нарсани айтиб ўтиш керак. Бизда ўқишга қабул жараёни юртимиздаги бошқа таълим муассасаларидан фарқли ўлароқ, бир йилда икки марта, яъни январь ва сентябрь ойларида бўлади. Демак, абитуриентлар ана шу ойларда бизга ҳужжат топшириш ва бу даргоҳ талабаси бўлиш имконига эга бўлишлари мумкин.

Университетда "Иқтисодиёт", "Бизнесни бошқариш", "Бизнесда ахборот технологиялари" ва "Халқаро ҳуқуқ" йўналишлари мавжуд. Магистратура бўлимида таълим олаётган талабалар иш билан таъминлангани боис, ўқиш кеч соат 18:00 дан кейин бошланади. Келгуси йилда юртимиздаги узлуксиз таълим тамойилига асосан ҳукуматимиз қарорига мувофиқ университет қошида академик лицей фаолият юритиши ҳам кўзда тутилган.

Бу ерда таҳсил олувчиларнинг илмга бўлган талаби ниҳоятда катта. Шартномага мувофиқ талаба бир ўқув йили учун 4800 АҚШ доллари миқдорида Марказий банкнинг амалдаги курси бўйича ўқув-контракт пулини ўзимизнинг миллий валютамиз — сўмда тўлайди. Олий таълим ўчоғида шартноманинг иккинчи томони ҳам талаб даражасида бажарилмоқда. Талабага ўз соҳасини чуқур ўрганиши учун етарли шароитлар яратилганига биз ҳам шоҳид бўлдик. Аммо, бу ҳақда холис гапни уларнинг ўзлари айтишди. Биз бир гуруҳ ёшлар билан суҳбатлашдик.

● "ТАЛАБАЛАР ИТТИФОҚИ" НИМА ДЕГАНИ?

— Университетимизда "Талабалар иттифоқи" мавжуд бўлиб, ҳар йили очиқ овоз бериш йўли билан унинг аъзолари сайланади, — дейди 3-курс талабаси Камолабегим Бахтиёрзода. — "Иттифоқ"нинг асосий вазифаси эса талабаларнинг пухта билим олишларига кўмаклашиш. Бундан ташқари, уларнинг хоҳиш-истакларини ўрганиб, бўш вақтларини мазмунли ташкил этишдан иборат.

— Мен шу "Иттифоқ"нинг ахборот ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими раҳбариман, — дейди 3- курс талабаси Алишер Тошпўлатов. — Асосий вазифам талабаларни танаффус пайтида ёки бошқа бўш вақтларида университет ҳаётига доир керакли маълумотлар билан таништириб бориш. Бунинг учун ўзимиздаги маҳаллий оммавий ахборот воситаларидан фойдаланамиз. Яъни ички радио тармоқ, телевидение ва кам нусхали газетамиз орқали университетимиз ҳаётидаги янгиликлардан ўртоқларимизни хабардор қилаяпмиз.

— Бизни четдан кўрганлар европалашган деб ўйлаши мумкин, — дейди 4-курс талабаси Дониёр Дўстматов. — Аслида бу ерда миллийлигимизга чуқур ҳурмат билан қараймиз. Биласизми, ҳатто ҳар йили Наврўз байрами арафасида сумалак пиширамиз, дошқозонда ош дамлаймиз. Биз миллий байрамларимизни ўзгача қувонч билан нишонлаймиз.

● ДОМЛАНИНГ «КЎНГЛИНИ ОВЛАШ» МУМКИНМИ?

Талабалар билан суҳбатлашар

эканмиз, секингина шу ҳақда ҳам сўрадик.

— Йў-ў-ўқ, унақа гаплар йўқ! — дейди дорилфунун толиби илмларидан бўлмиш Ҳасан Ражаббоев. — Домлаларимизнинг қалбидан фақат яхши ўқиш билангина жой топиш мумкин. Пухта билим олиш учун эса устозлар аниқ йўналиш беришади ва биз изланиб, ўз салоҳиятимизни ошириб бораверамиз. Бу борада имкониятларимиз етарли. Кутубхонада халқаро таълим тизими асосида ҳар уч талабага битта асосий фан китоби, ҳар саккиз талабага битта қўшимча адабиётлар тўғри келади. Китоблардан ўқиб-ўрганган назарий билимларимизни бирор ташкилот ёки фирма ички ҳаётини кузатиб амалиётга боғлаймиз. Бу эса ўз соҳамизни янада мукаммал ўрганиш учун яхши фойда беради.

Ўтган йили мазкур университетни тугатиб, айни пайтда ана шу даргоҳнинг ижтимоий ишлар бўлимида фаолият юритаётган Асрорхон Ниғмонов ҳам бу ҳақда ўз фикрини билдирди:

— Талабалар махсус медиа хоналарида интернет ва компьютер хизматларидан фойдаланишлари мумкин. Бундан ташқари, ички ахборот тўри, яъни интранет (бу фақатгина университет талаба ва ўқитувчилари фойдаланадиган компьютер хизмат) хизмати мавжуд. Ҳар бир талаба ва ўқитувчиларга алоҳида логин ҳамда пароллар берилган бўлиб, улар юқоридагилар ёрдамида интранетдан фойдаланишади. Бу хизматнинг қулай жиҳати, талаба уйида туриб ҳам электрон русумдаги маърузалар, мақолалар ва бошқа маълумотларни олиш имконига эга. Бундан ташқари, курс ишларини домлага интранет орқали топшириши мумкин. Ўқитувчилар ҳам айни шу тарзда бу ишларни текшириб, тақриз ва баҳони талабага маълум қилишади.

● МУСТАҚИЛ ШАХС БЎЛИШ ШАРТИ

"Сенга билим керакми? Мен сенга ёрдам бераман, уни биргаликда ўзлаштирамиз". Ўз фикри ва қарашларига собит шахсни камол топтиришнинг биринчи шарти мана шу. Тошкент Халқаро Вестминстер университетида таълим айнан шу тизим асосида олиб борилади. Энг муҳими, бошқа олий ўқув юртларида ҳафтада 30 соат дарс бериладиган бўлса, бу ерда талабанинг жуда кам вақти маърузалар хонасида ўтади. Хўш, бундай пайтда қандай қилиб талаба етук мутахассис бўлиб етишаяпти? Бу ҳақда университет декани Абдумалик Жуманов шундай дейди:

— Ўз соҳасини мукаммал ўрганиш учун талабада билим ва тушунча, таҳлил салоҳияти ҳамда амалиёт бир маромда шаклланиб бориши керак. Аммо буларнинг барчасини аудиторияда бериб бўлмайди. Айтайлик, бошқа олий ўқув юртларида талабанинг 60-70 фоиз вақти аудиторияда, қолган 30-40 фоизигина мустақил изланиш учун сарфланса, бизда бунинг акси. Яъни 15-30 фоиз билим машғулотда берилса, қолган 70 фоизи мустақил таълимга боғлиқ. Талаба мустақил билим олиш йўли билангина ўз иқтидорини ривожлантириб боради.

Биз ўқув йили давомида ёшларнинг билимларини баҳолаб бориш, имтиҳон топшириш ва қабул қилиш жараёни ҳақида ҳам билмоқчи бўлдик. Университетнинг ўқув бўлими бошлиғи Козимжон Ҳасанов бу саволимизга қуйидагича жавоб берди:

— Ўқув бўлимимизнинг ичида учта алоҳида гуруҳ бор. Биринчисидаги ходимлар талабаларнинг имтиҳонлар масаласида туғиладиган ҳар қандай саволларига жавоб беради. Қолаверса, улар ёзган курс иши, мустақил ишларини тўғридан-тўғри ўқитувчига эмас, шу бўлимга топширишади. Агар талаба ёзма ишини белгиланган вақтдан атиги 5 дақиқа кеч топширса ҳам қоғозининг устига кечикканлиги ҳақидаги муҳр босилади. Бу беш баҳо олиш имконининг 40 фоизи қўлдан кетди, деган гап.

— Табиий савол туғилади: нега бу қадар қатъий тартиб белгиланган?

— Ҳа, шундай. Бу усулнинг ижобий самараси катта. Яъни, талаба ўз вақтини тўғри режалаштиришни ўрганади. Умрнинг ҳар бир лаҳзаси тенгсиз бойлик эканини англайди, — дея гапида давом этди К. Ҳасанов. — Иккинчи гуруҳ имтиҳонларнинг мазмуни халқаро талабларга мослиги ва уларни ташкиллаштириш билан шуғулланади. Учинчи гуруҳ эса баҳолаш сифатини назорат қилади. Яъни ўқитувчи ёзма ишларни баҳолаб бўлгач (шуни айтиш керакки, ёзма ишларда талабанинг исм-шарифи бўлмайди, фақат унинг махсус рақами бўлиб, у ўқитувчининг ишни холис баҳолашига сабаб бўлади), шу фаннинг бошқа бир мутахассиси ўша ишларни қайта кўриб чиқади. Қолаверса, йил охирида Лондондан келадиган ҳамкасбларимиз ҳам ёзма иш ва баҳоларни яна кўздан кечиришади. Демак, ҳеч қандай иккиланишсиз айтиш мумкинки, талабаларнинг билими холис баҳоланади.

Хўш, мустақил билим олиш усулига талабаларнинг муносабатлари қандай? Бу ҳақда улар нима дейишади? Мустақил изланиш ёшларга қийинчилик туғдирмаяптими? 2-курс талабаси Сардор Пўлатов шундай дейди:

— Доим бир-биримизни қўллаб-қувватлаймиз. Айниқса, ўқиш жараёнида бу жуда қўл келади. Устозларимиз маърузалар давомида мавзу доирасида қисқача маълумот берса, кўпроқ балл йиғиш учун ўзимиз мустақил изланамиз, топган маълумотларимиз билан бир-биримизни таништирамиз. Шу аснода билимларимиз кенгайиб бораверади. Мен бизда ўқиш қийин эмас, аксинча жуда қизиқарли, деган бўлар эдим.

Болалигимизда ўйинчоқларни бир-икки ўйнаб, зерикканимиздан сўнг ташлаб юборар эдик. Кейинроқ ўзимиз ясаган ёғоч ўйинчоқлар жуда қадрли туюларди ва кўпинча уни ташлаб юборишга кўзимиз қиймасди. Фикримизча, ёшлар ўзи изланиб, эришган билимларини ҳам худди шундай қадрлашади.

● ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Гарчи барча дарслар тўлиқ инглиз тилида олиб борилса-да, амалиёт бевосита юртимиздаги ижтимоий-маданий ҳаёт билан боғлиқ. Чунончи, университетнинг мультимедия марказида овоз ёзиш, суратга олиш ва компьютер графикаси студиялари мавжуд бўлиб, бу ерда талабалар жойларга бориб ўрганган маълумотларининг, турли китобларнинг электрон вариантини тайёрлашади. Ўтган йили Савициский музейи электрон кўринишга келтирилган бўлса, айни пайтда дорилфунун талабалари пойтахтимизнинг 2200 йиллик тўйи арафасида "Гўзал Тошкент" деб номланган мультимедия дастурини яратишмоқда. Инглиз, рус ва ўзбек тилидаги бу дастурлар орқали улар юртимизнинг бой тарихи ва маданияти ҳақида янада чуқурроқ маълумотга эга бўлишади.

— Биз талабаларга йўналиш берамиз, холос. Асосий ишни уларнинг ўзлари бажаришади, — дейди мультимедия маркази раҳбари Козимбек Ғафуров.

Диққатимизни тортган яна бир маълумот шу бўлдики, яқинда университет талабалари орасида "Энг яхши ижтимоий ролик" ва "Энг яхши мультфильм сценарийси" танлови эълон қилинибди. Бу ҳақдаги тўлароқ маълумотни яна дорилфунун ижтимоий ишлар бўлими раҳбари Алишер Собировдан сўрадик:

— Жамият тараққий этгани сари компьютер технологияларига бўлган эҳтиёж кундан-кунга ўсмоқда, — деди у. — Ҳатто, ёш болалар учун ҳам интернет кундалик ҳаётининг бир бўлагига айланаяпти. Интернетда эса фарзандларимиз учун зарарли ғояларни илгари сурувчи ўйинлар, "мультфильм"лар жуда кўп. Бизнинг баъзи талабаларимиз ана шу муаммо ҳақида ҳам чуқурроқ ўйлаб, замонавий, лекин миллий аҳлоқимизга мос бўлган мультфильм сценарийларини ёзишаяпти. Энг яхши сценарий деб топилган ижод маҳсули асосида видеомультфильм тайёрланилиши режалаштирилган. Танлов якунида эса ғолиблар турли совға ва пул мукофотлари билан тақдирланади.



● ҒАЛВИР СУВДАН КЎТАРИЛГАНДА...

Деҳқоннинг меҳнати кўтарган хирмонида билинади. Бошқача айтганда, ҳар қандай ишнинг самараси унинг натижасида кўринади. Хўш, биз тилга олаётган университетни тамомлаганларнинг қанчаси иш билан таъминланаяпти? Улар халқ хўжалигининг қайси жабҳаларида фаолият юритишмоқда? Ана шу саволларга ҳам жавоб изладик.

Университетнинг касбга йўналтириш маркази ("Career Centre") берган маълумотга кўра, ўтган 2007-2008 ўқув йилида университетни 104 нафар талаба битирган. Уларнинг қай даражада иш билан бандлиги ҳақидаги анкета сўровномаси натижаси бу кўрсаткич 87 фоиз экани, аммо 3 фоизи магистратурада ўқишни давом эттираётганини кўрсатди. Қолган 10 фоиз битирувчи эса ҳар хил сабабларга кўра вақтинча ишсиз экани маълум бўлди. Янада аниқроқ айтганда, улар орасида турмушга чиққан қизлар ва 3-4 ташкилотдан таклиф тушган-у, ҳозирча қай бирини танлашга иккиланиб турганлар ҳам бор. Бизнингча, бу кўрсаткич ёмон эмас.

Айнан шу ерда билим олиб, ҳозир нуфузли корхона ва халқаро ташкилотларда фаолият юритаётган бир нечта ҳамюртларимиз билан суҳбатлашиб юқоридаги фикримизга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

— Ишхонамда нафақат инглиз тилини чуқур билишим, балки юртимизда қабул қилинган ва халқаро миқёсдаги қонун ҳужжатларидан тўлиқ хабардорлигим, уларни бир-бирига қиёслаб таҳлил қила олишим билан фахрланаман. Буларнинг барчасига ўқиб, ўрганган билимларим асосий пойдевор вазифасини ўтамоқда, — дейди университетни 2006 йилда тугаллаган Элдор Тулаков.

— Ҳозир Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг халқаро бизнес марказида ҳуқуқшунос бўлиб фаолият юритаяпман, — дейди шу даргоҳни битирганлардан яна бири Станислав Ким. — Ушбу университетда ёшларнинг пухта билим олишлари учун барча имкониятлар бор. Асосийси, талабалар шу имкониятлардан тўғри фойдалана олишлари керак. Ҳозир битирувчиларга юртимиздаги турли ташкилот ва корхоналарда талаб катта. Мен буни ўз тажрибамда кўрдим. Шу боисдан ушбу олий таълим даргоҳида ўқиганимдан фахрланаман.

Тил билган эл билар, дейишади. Ҳа, жаҳон тили, — дея эътироф этиладиган инглиз тилини мукаммал билиш орқали пухта билим эгаллаш дунё халқлари билан турли жабҳаларда бемалол мулоқотда бўлиш демакдир. Қолаверса, қайси тилда сўзламасин, қалбида ўзбекнинг фарзандиман, деган фахр, ғурур ҳисси жўш уриб турган ҳар бир йигит-қиз туғилиб ўсган юртини янада юксакликка кўтаришни ўйлайди. Тошкент Халқаро Вестминстер университети эса ёш авлоднинг жаҳон талаблари даражасида билим олишлари учун имконият эшикларидан биридир. Албатта, бу даргоҳга ўқишга кириш — катта омад. Бу омаднинг калитини эса фақат билим, изланиш ва интилиш билан қўлга киритиш мумкин.

Ситора ТОЖИДДИНОВА,
"Hurriyat" мухбири.

СУРАТЛАРДА: дорилфунун ҳаётидан лавҳалар.
Абдувоси ХАЙДАРОВ олган суратлар.

Таҳририятга хатлар

ЯПОН МУЪЖИЗАСИНИНГ СИРИ

Кунчиқар мамлакатда ишчига, мутахассис кадрларга жуда катта эътибор берилиб, уларга ўша юрт тараққиётининг асосий омилларидан бири сифатида қаралиши ҳақида эшиттандим. Айтайлик, бирон фирма ишчиси ёки мутахассисининг оиласида қандайдир етишмовчилик ёки зарурат туғилиб қолса, (озиқ-овқат, дори-дармон ва ҳ.к.) шу заҳоти ишхонадаги махсус бўлимга мурожаат этади ва масала шу билан ҳал бўларкан. Махсус бўлимдагилар зарур нарсаларни унинг уйига етказишади, ишчи эса хаёлини ҳеч нарсага чалғитмай ўз ишини унумли ва сифатли бажаришга киришар экан. Эҳтимол, мана шу кичкинагина ҳолат ҳам дунёни лол қолдирган "Япон мўъжизаси"нинг бир жиҳати бўлса, ажаб эмас.

Маъмуржон БОЗОРАЛИЕВ,
Ўрта Чирчиқ тумани.

ГОБЕК ТЕПА

Яқинда германиялик археологлар Туркиянинг "Гобек тепа" қўрғонида баландлиги 3 метр келадиган ва Миср пирамидаларидан 7 минг йил илгари бунёд этилган монолит колонналарини топишди. Уларга ўша пайтдаги қуш, ҳайвон, ҳатто одам қиёфасининг кўринишлари туширилган. Энг қизиғи, Германиянинг Гейдельберг университети ходими Клауе Шмидтнинг таъкидлашича, сирли қазилмалар табиий офат натижасида эмас, айнан инсон қўли билан тупроқ ва тошга кўмиб қўйилган. Ҳозирда оғирлиги қариб 50 тонна келадиган монолит блокларни оддий одамлар қандай кўтарган экан деган савол барча мутахассисларни бош қотиришга мажбур қилмоқда.

Гўзал МУРОДОВА,
Тошкент шаҳри.

ЗАРАРЛИ ИЛЛАТ

1865 йилнинг апрель ойида рус генерали Черняев Абдураҳмонбек Шодмон ўғли деган кимсанинг маслаҳати билан Бўзсув тўғонини бузиб, Тошкент шаҳрини сувдан маҳрум қилади. Афсуски, Абдураҳмонбек бу жирканч қилмишидан заррача ҳам уялмаган. Бу унинг юрагидаги кибрдан, ўз қилмишини тўғри деб билишидан далолат беради. Кибр — нафси амморанинг етти туридан тўртинчисидир. У шу даражада хатарли унсурки, охир-оқибат инсоннинг, сўнг миллатнинг заволига йўл очиб беради. Юрагига кибр ин қурган ёшларни ҳар хил ёт ғоялар орқали заҳарлаш жудаям осон.

Ана шундай иллатлардан доимо эҳтиёт бўлайлик.

Турсунали ЮСУПОВ,
Фарғона вилояти.

УНУТИЛМАС КУН

— Ўзбекистон Республикаси номидан сизларни эрҳотин деб эълон қиламан...

ФҲДЁ ходимасининг сўнгги сўзлари гулдурос қарсакларга уланиб кетди. Куёв шу пайт келиннинг қулоғига аста шивирлади: — Бугун қанақа кунлигини биласанми?

— Биламан шекилли...

— Йўқ, билмайсан, бугун Мен ва Сен йўқ бўлиб, Биз пайдо бўлган кун. Бу кунни ҳеч қачон унутмайлик.

Баҳодир МУСАЕВ,
Қашқадарё вилояти.

"НИҚОБ"ДАГИ АЁЛ

Яқинда киракашлик қилувчи дўстимнинг ҳаётида содир бўлган бир воқеа мени ўйлантириб қўйди. У Фарида исмли ҳижобга ўранган бир аёл билан танишиб, бир неча бор унга хизмат қилган экан. Кунларнинг бирида у дўстимдан қарз олиб, қайсидир вилоятга мол олиб келгани кетади. Бир ҳафтадан кейин эса танишимнинг уйига милиция ходими бошчилигида бир нечта эркак ва аёл келиб, Фаридани топиб беришини талаб қилишади. Аёл уларга бу менинг укам, агар керак бўлсам, мени у орқали топасизлар деган экан. Дўстим эса бу гапсўздан лол-ҳайрон... Кўп ўтмай жиноятчи аёл топилди ва унинг бошқа қилмишлари ҳам фош этилди.

Ойдин САЙФУЛЛАЕВА,
Тошкент шаҳри.

ТЎРТИНЧИ ҲОКИМИЯТ

НУҚТАИ НАЗАР

ГАЗЕТА, БОШ МУҲАРРИР, МАСЪУЛИЯТ

ёки бугунги айрим нашрларга бир назар

Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, юртимиз истиқлолга эришгандан кейин жуда кўп соҳаларда бўлгани каби оммавий ахборот воситалари, хусусан, матбуот нашрларида ҳам ислоҳотлар амалга оширилди. Бунинг натижаси ўлароқ, кўплаб газета ва журналлар нашр этила бошланди. Улар орасида қайноқ хабарлар-у, долзарб мақолалари билан газетхонларни ўзига жалб этадиганлари ҳам, турли олди-қочдилар билан тўлдирилган, ҳатто фақатгина кроссвордлар-у, сканвордлар босиладиган нашрлар ҳам чоп этилаётгани сир эмас. Табиийки, ҳар қандай киши ўз диди, савияси ва қизиқишидан келиб чиқиб, уларни харид қилади.

Бир нарсани тан олиш керак: мазкур даврий нашрларнинг дизайни ҳам бугунга келиб анча яхшиланди. Муқова, ўртадаги ва сўнгги саҳифаларнинг рангли тасвирда босилаётгани хурсанд қилади кишини. Бундан атиги 15-20 йил муқаддам мана шуларни башорат қилгудек бўлсанг, одамларнинг энсаси қотарди. Хуллас, газетачиликдаги тараққиёт, янгиланиш, давр билан ҳамқадамлик ҳар қандай ўзини англаган одамни ҳам қувонтиради.

Аммо мени журналист сифатида бугунги айрим даврий нашрлардаги бир ҳолат тааж-жубга солади. Гап шундаки, айрим газеталарда ўз соҳасининг ҳақиқий мутахассислари ишламаяпти, чоғимда. Акс ҳолда улар жилла қурса, газетада "Муҳаррир" ва "Бош муҳаррир" имзолари қай ҳолатда берилишининг маънисига борган бўлур эдилар. Бор-йўғи 4-5 кишидан иборат туман газеталарида ҳам "Бош муҳаррир", бир фермер ёки бирор хусусий корхона таъсисчилигида чиқадиган кроссвордлар чоп этиладиган нашрларда ҳам "Бош муҳаррир" деб имзо қўйилмоқда.

Мутахассис бўлмаган ҳамкасбларим мени тўғри тушунсинлар-у, бош муҳаррир деб имзо қўйишнинг ҳам ўз қонуниятлари бор. Оддий қилиб айтганда таҳририят "бош муҳарририят" мақомига эга бўлгандагина, ўша жамоа учун "Бош муҳаррир" лавозими жорий этилса, тўғри бўлади. Бунинг учун камида 2-3 адабий ходим (мухбир) ва уларнинг ишини мувофиқлаштирувчи бўлим мудири, шундай бўлимлардан 3-4 та бўлса ва бир муҳарририятни ташкил этса "Бош муҳарририят" мақомини олади. Бунга мисол сифатида турли китоблар чоп этаётган нашриётларни келтириш мумкин. Дарҳақиқат, уларда соғлиқни сақлашга оид адабиётлар муҳарририяти, фан-техника, спорт, қурилиш соҳаси каби бири иккинчисини такрорлай олмайдиган муҳарририятлар фаолият олиб боради. Ана шулар жамланиб, "Бош муҳарририят" юзага келади. Уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб туриш, маълум даражада ижодий раҳбарлик учун "Бош муҳаррир" лавозими таъсис этилган.

Бугунги кун айрим даврий нашрларида ўзбек тилининг оддий қоидалари жуда кўп ҳолларда қўпол равишда бузилаяпти. Қалбида элига, тилига ҳурмати баланд ҳар қандай юртдошимизнинг бундай аҳволдан ҳафсаласи пир бўлади.

Телевидение ёки радиода ҳам ҳар бир муҳарририятга бош муҳаррир раҳбарлик қилади. Чунки муҳаррир оддий мухбирга ўхшаб кўринсада, аслида у бир кўрсатув ёки эшиттириш тайёрлаш учун ўз ихтиёри билан режиссёр, тасвирчи, маъмур ва бошқалардан иборат ижодий жамоани ташкил этади ҳамда уларнинг ижодий изланишлари натижасида маълум бир кўрсатув ё эшиттириш дунёга келади.

Ана энди юқоридаги мезон доирасида олинганда ҳафтада бир марта чоп этиладиган 4 саҳифа, борингки, неча саҳифа чоп этилганда ҳам юз фоиз кроссвордномадан иборат "газета"ларда ёки ўн беш кун ё бир ойда бир бор нашр этиладиган тармоқ нашрларида ҳам "Бош муҳаррир" лавозими жорий этилган. Тўғрироғи, ҳеч ким уни жорий этмаган, буни таъсисчилар билан "бош муҳаррир"лар ҳеч иккиланмасдан ўйлаб топишган, холос! Қолаверса, на ўринбосари, на масъул котиби, на бўлим мудирлари-ю, на жойлардаги мухбирларига эга бўлмаган ана шундай таҳририятларда "Бош муҳаррир" дейилишининг ўзи қизиқ ҳол эмасми?

Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Газета — бу жиддий нашр. Унинг жамият олдидаги вазифалари жуда кўп. Аммо ҳозир бу ҳақда атрофлича тўхталиб ўтирмоқчи эмасмиз. Фақат асосий иш фаолияти кўнгилочар бошқотирма, турфа кроссворд ва яна шунга ўхшаш "ворд", "санд"лардан иборат ёки бўлмаса, ўн-ўн бешта «артист»ларнинг эрталабдан кечгача қиладиган ишларини ёзадиган нашрларни ГАЗЕТА сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш, мутасадди идораларнинг уларга газета мақомини берувчи гувоҳномани тақдим этишининг ўзи тўғримикан?

Аксинча, дунёнинг айрим давлатларида бундай "нашр"ларга газета мақоми берилмайди. Улар шунинг учун ҳам фақат сотувда бўлиб, бюллетень шаклида, кичикроқ китобча кўринишида чоп этилади. Ва матбуот бозорида кўнгилочар маҳсулот сифатида сотилади.

Бизда-чи? Юқорида айтганимиздек, ҳамма саҳифаси тўлиқ кроссворддан иборат нашр ҳам газета деб номланади, бошқа жиддий газеталар ҳам.

Бундан ташқари, ҳайрон қоласан киши. Ўша нашр "бош муҳаррири" чинакам журналистмиқан, ўзи? Агар шундай бўлса, бирор жиддий газетада йиллар давомида ҳам бирорта қойилмақом мақоласи нега кўзга ташланмайди? Қолаверса, газета таҳририяти ўз саҳифаларида аҳолини юртимизда, чет эллар-



да содир бўлаётган янгиликлар, одамларга фойдаси тегадиган маълумотлар билан таништириши, газетхонни ўз ортидан эргаштириши лозим. Ана шунда у чинакам "тўртинчи ҳокимият" мақомини олишга муносиб бўлади. Айнан шу нуқтаи назардан олсак, юқоридаги каби нашрлар қонун белгилаган талабларга жавоб бераяптими? Уларни "кўнгилочар нашрлар" десак тўғри бўлармиди... У ерда 5-6 кишининг вазифасини бажараётган "бош муҳаррир"ларни "нашр учун масъул" дейилса, мақсадга мувофиқ бўларди, назаримда.

Мен бежиз бундай эътирозни билдираётганим йўқ. Бугунги кун айрим даврий нашрларда ўзбек тилининг ҳатто оддий қоидалари ҳам жуда кўп ҳолларда қўпол равишда бузилаяпти. Қалбида элига, тилига ҳурмати баланд ҳар қандай юртдошимизнинг бундай аҳволдан ҳафсаласи пир бўлади. Биргина мисол. Фарҳод исмли ҳайдовчи йигит бир куни: "Ака, сиз матбуотда ишлайсиз. Айтингчи, нега бунчалар кўп хато қўйворишади газеталар!", деб қолди. Очиғи, анча ноқулай ҳолатга тушдим. Савияси жуда саёз, саҳифалари ғиж-ғиж хатоларга тўла ана шундай газеталарда ишлаётганлар бу каби нохушликларни нима билан изоҳлашаркин?

Юртимизнинг қайсидир бурчагида раҳбар одил бўлмаса, уни ўша ердагилардан бошқа одам билмас, врач таъмагир ё малакасиз бўлса ёки бошқа касб эгаси ўз ишини эплолмаса, буни ҳамма ҳам сезавермас, аммо журналист фаолияти барчанинг кўз ўнгида туришини, одамлардан яширинча ишлаб бўлмаслигини англаб етиш зарурлигини айтиш жоиз.

Матёқуб НАРЗИЕВ

ҚОРАКЎЛ ТУМАНИ КЎРКИ

ХУДУДИЙ НАШРЛАРДА

Бултур Қоракўл туманининг «Қозон» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида 500 нуқтали хориж телефон станциясининг ишга туширилгани бу ерда яшовчи 12700 нафар кишига катта қулайлик яратди. Тўғри, ҳозир уяли алоқа воситалари кўпайиб, уларнинг имкониятлари ортди. Аммо хонадонларда оддий телефонлар ҳам бўлганига не етсин. Бундай замонавий алоқанинг йўлга қўйилиши қишлоқда турмуш маданиятининг юксалишига хизмат қилади.

Ҳудуд Қоракўл шаҳри билан туташлиги боис уй-жойлар кўркли, одамларнинг яшаш тарзи яхши, тадбиркорлик ривожланган. Аммо бу борада ҳали қилинадиган юмушлар анчагина.

— Савдо, умумий овқатланиш, бошқа хизмат кўрсатиш шохобчаларимиз йиғирматадан ошади, — дейди М. Бебутов. — Бу етарли эмас. Шунинг учун Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан ишлаб чиқилган ҳудудий дастуримизда кўплаб масалалар қатори бу муаммога ҳам эътибор қаратилиб, яна бир неча шохобчаларни очишни режалаштирганмиз. Жумладан, компьютер хизмати ва суратхона биносини янгилаш ҳам дастурдан жой олган. Гарчи катта бўлмаса-да, бу бино қишлоққа кўрк бағишлаши тайин. Чунки қурилиш меъморлар чизмасига асосан бунёд этилади. Пойабзал таъмирлаш устахонаси, қурилиш моллари, сабзавот, полиз, мева-чева сотиладиган дўконларни очиш назарда тутилаяпти. Демак, учта янги бино қад ростлайди. Йўлларни сифатли асфальт қилиш, таъмирлаш ҳам ҳисобга олинган.

Ботир ЖУМАЕВ
«Бухоронома»,
25.02.2009 йил.

ЧИПТА ПУЛИ КАССАГА ЭМАС, КИССАГА

тушаверса, темир йўл транспорти соҳасида ривожланиш бўладими?

Яқинда транспорт прокуратураси томонидан йўловчиларга намунали хизмат кўрсатишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлаш юзасидан 380-«Тошкент-Термиз» йўловчи поездида назорат тартибида текшириш ўтказилганда темир йўл транспортидан фойдаланишда ҳамма вақт ҳам белгиланган тартиб-қоидаларга риоя қилинмаётгани маълум бўлди.Яъни поезд бошлиғи У.Бўриевнинг назоратни етарлича олиб бормагани сабабли айрим вагон хизматчилари ўз вазифасини суиистеъмол қилинаётгани аниқланди. Жумладан, поезднинг 7-вагони кузатувчиси М. Аъзамов тўрт нафар фуқарони Жиззах темир йўл бекатидан Термиз темир йўл бекатигача чиптасиз олиб кетаётган экан. Бу ҳолатга иқтисодий томондан баҳо берадиган бўлсак, Жиззах темир йўл бекатидан Термизгача умумий вагонга битта чиптанинг нархи 12.600 сўмни ташкил қилади. Демак, кузатувчи «Ўзтемирйўлйўловчи» ОАЖга 50 минг 400 сўм миқдорда моддий зарар етказган бўлса, 10-умумий вагон хизматчиси Ё.Юсупов беш нафар йўловчини вагонга чиптасиз чиқариб ноқонуний даромад топишга ҳаракат қилгани натижасидада ОАЖга 73.000 сўм моддий зарар етказди.

Аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан тегишли жазо чоралари қўлланди.

Илёс ОМОНОВ,
Самарқанд транспорт прокурори катта ёрдамчиси лавозимида иш юргизувчи.
"Зарафшон",
23.02.2009 йил.

ИССИҚХОНА ЁҚИЛҒИСИЗ ИСИЙДИ

Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги тасарруфидаги «Markaz sanoateksport» давлат акциядорлик ташқи савдо компаниясининг Зангиота туманидаги тажриба хўжалигида хитойлик ҳамкорлар билан ташкил этилган 3 гектар майдондаги иссиқхонада олиб борилаётган тажрибалар яхши самара бераяпти.

Ҳеч қандай энергия манбаларисиз, табиий шароитда иситиладиган мўъжизавий иссиқхонада Хитойдан келтирилган 6 мингдан зиёд янги навли олма ва нок ниҳоллари ўстирилмоқда.

Айни пайтда ёқилғига ҳожат қолдирмайдиган бундай иссиқхоналар вилоятимиздаги кўплаб тадбиркор ва фермерларда қизиқиш уйғотмоқда. Улар бу ердаги ишлар билан танишиб, шундай мўъжаз иссиқхоналар ташкил этишмоқда.

Алишер РАҲМАТОВ
"Тошкент ҳақиқати",
21.02.2009 йил.

Ўзбекистон Мустақил босма ОАВ, ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг моддий ҳамда ахборот кўмагида тайёрланди.
Лойиҳа: «Матбуот — давр кўзгуси».

АВВАЛИ

Билимнинг фойдаси хусусида

Жаркантдан мактуб

Ушбу йил январдан бошлаб ҳукуматнинг рухсати билан Жаркантда нўғой, сарт, таронжининг уломалари ва тужжори зулифтихорлари бир жамияти илмия таъсис қилди. "Қироатхона" номидаги ҳужрамизда масоили диний ва тарихи ислом ўқулур. Мунтаҳаб ва қомуси туркий ва саёҳатномалар ва рўмонлар мавжуддур. Абдулрашид афандининг "Миръоти Русия"ни(нг), мўътабар "Нувия время" ва "Свет" ва "Туркестанский ведумуст" ва "Вернинский ублостнуй ведумуст" ва "Таржимон" ва Истанбулдан "Маълумот" ғазеталари олиниб ўқила бошлади. Курраи арзда мавжуд ўлкаларнинг хариталари ва мамолики восеъи давлати Руссия қарталарда кўрунуб, қироатхонамизга зийнат бериб, Маскав қайда, Божип қайда, Бухоро қайда, Ҳиндистондаги Калкутта қайда, Қора денгиз ва Оқ денгиз, Қрим шаба жазирасиндаги Боғчасарой, Ўрол кўли, Қора кўл, яъни Пражевалскийдаги Иссиғкўл, Ила дарёси қуядурғон Болқош кўли, дарёи Аму ва дарёи Сирнинг қуядурғони Баҳри Ҳазар ёки Каспий денгизи ва алҳосил, Баҳри Муҳити Кабир, жумласи билмаганларга алъон билдургони бўладур. Ҳафтада бир мартаба, яъни бир дафъа ижтимоъ қиламиз. Мажлисимизга Ғулжадан сабаби тижорат закийтабъ ва ҳунарманд йигитларимиздан Фозилжон Юничеф ҳазратларининг воситаси бирлан Тошканднинг туркий газети ҳам кела бошлади. Ўз тилимиз бўлғон сабабдан зиёда хурсандлик бирлан ўқуб, хусусан, шуароларнинг мухаммас, мураббаъларини кўзларимизга суруб жумлаларига раҳмат ўқудуқ. Аллоҳ қуввати қалбларини зиёда қилсун. Мулк ва миллатнинг тараққиётини таъмин қиладурғон шеърлар сўзламоқни ҳар бир шоирга насиб этсун ва бу ибтидоъи тараққийга восита бўлғучи жаноб Ўстроумуф ва муҳаррир ҳазратларига кўп миннатдорчилик бирла ибрози ташаккур қиламиз. Худо хоҳласа ҳар йил сизнинг газетдан олиб турармиз ва балки биздан бошқаларга ҳам насиҳат қилиб олдурсоқ керак.

Жаркантда муассиси қироатхона чилинларининг энг ҳақири камина Муҳаммадносир Муҳаммадраҳим ўғли Самарқандий.

Илова: Бизга келган газетада ёзилибдурким, Тошканддa усули жадида мактаблари очилиб ва имтиҳонлари кўрулуб ва бу мактабнинг манфаатига юрт яхшилари иқрор бўлғонини, ҳатто ҳар маҳаллада бир мактаби жадида бино қилмақ учун катталар орасинда сўз ва маслаҳат бўлуб турғонликини ўқуб билиб, зиёда хурсанд бўлдик. Илоҳо, худо кўзи очуқ бандаларни зиёда қилсун.

"Туркистон вилоятининг газети", 1903 йил, 7 июн

Изоҳлар: Жаркант — Еттисув вилоятига қарашли шаҳар; масоили диний — диний масалалар; мунтаҳаб ва қомуси туркий — туркча қомус ва сайланма; Абдулрашид афанди — асли миллати ўзбек бўлган, лекин замондошларига татар зиёлиси деб танилган тюменлик Абдурашид қози Иброҳимов; "Миръоти Русия" (Россия ойнаси), асли номи "Миръот", 1900-1908 йиллари Петербургда татар зиёлилари томонидан нашр этилган газета; "Нувия время" — Россияда чиқадиган "Новое время" (янги замон); "Свет" — "Вокруг света" (жаҳон бўйлаб); "Туркестанский ведумуст" — Тошкентда рус тилида чиқадиган "Туркестанские ведомости" (Туркистон ахбори) газетаси; "Вернинский ублостнуй ведумуст" — Верний (Олмаота)да чиқадиган "Вернинские областные ведомости" (Верний область ахбори) газетаси; "Таржимон" — 1883 йилдан 1914 йилгача Қримнинг Боғчасарой шаҳрида Исмоил Гаспринский чиқарган турк-татар тилидаги газета; "Маълумот" — Истанбулда чиқадиган туркча газета; курраи арз — ер курраси; мамолики восеъи давлати Русия — бу ерда "Россия давлатининг кенг ҳудуди" маъносида; Божип — қайси шаҳар эканини аниқлай олмадик; шаба жазираси — қора тусли орол; дарёи Аму ва дарёи Сирнинг қуядурғон Баҳри Ҳазар ёки Каспий денгизи — хато кетган: Аму ва Сирдарё Баҳри Ҳазар – Каспийга эмас, Орол денгизига қуйган, Баҳри муҳити Кабир — Тинч океани; жумла — барча; алъон — энди, ҳозир; ижтимоъ — йиғилиш, тўпланиш; закийтабъ — хушталъб; Фозилжон Юничев — номида хато кетган: ўз даврида таниқли шахс, "Туркистон вилоятининг газети"га Ғулжадан ёзиб турган Фазлулла Юничев; Тошканднинг туркий газети — "Туркистон вилоятининг газети" назарда тутилган; шуаро — шоирлар; мулк — бу ерда мамлакат маъносида; ибтидоъи тараққий — тараққий бошланғичи, тараққиёт бошланиши; Ўстроумуф — 1883 йил январидан 1917 йилнинг мартигача "Туркистон вилоятининг газети"га муҳаррирлик қилган миссионер Николай Петрович Остроумов; муҳаррир ҳазратлари — бу ерда Остроумовнинг "Туркистон вилоятининг газети"ни чиқаришида ёрдамчиси бўлган мулла Олим Абулқосимов назарда тутилган; чилин — аъзо; ибрози ташаккур қиламиз — ташаккур изҳор қиламиз, бу миннатдорлик ва ташаккурнинг замирида маҳаллий ҳалқлар назарида мустабидларнинг нашри "Туркистон вилоятининг газети"нинг обрўсини кўтариш нияти ётади; ҳақир — ўта камтарликни англатувчи сўз.



НАШР

Янги журнал

Ўзбек — меҳмондўст халқ. Илиқ чеҳра, самимиятга йўғрилган мулозамат ва албатта, тўкин дастурхонда меҳмон кутишнинг ўзбекча таомили ҳисобланади. Тўкин дастурхонни эса шубҳасиз лаззатбахш таомлар безайди. Улар мазали бўлиши билан бирга, шифобахшлиги жиҳатидан ҳам дунё халқларининг тилига тушган.

Қувонарлиси, Ўзбекистондаги ҳар бир вилоят аҳлининг ўз севиб истеъмол қиладиган таомлари мавжуд. Масалан, Тошкентнинг норини, Қашқадарёнинг жизи, Сурхондарёнинг тандир кабоби, Хоразмнинг тухумбараги кабилар. Кўпчилик хўрандаларга ғилминди, юпқа каби қанчадан-қанча таомларнинг номи ҳам, таъми ҳам ҳозиргача нотаниш. Уларни оммалаштириш, таомсевар кишиларни хурсанд қилиш эса савобдан бошқа нарса эмас.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, яқиндан бошлаб, "Lazzat—yoqimli ishtaha" номли оммабоп, рангли журнал ўзбек, рус ва инглиз тилларида нашр этила бошланди.

Журналнинг асосий вазифаси, аввало, уста ошпаз-у пазандалар, уй бекалари ва бошқа таом пиширишга иштиёқи баланд ҳаваскорларга ўзбек миллий таомлари, шунингдек, дунё пазандачилиги тарихи, жаҳон таомномасидан муносиб ўрин олган овқатларнинг тайёрланиш усуллари ҳақида маълумот беришдан иборат. Унинг "Lazzat shifoxonasi" номли махсус рукнида чоп этиладиган шифокор-диетолог, уста ошпаз, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг маслаҳат ва тавсиялари ниҳоятда фойдалидир.

Баҳорнинг илк кунларида учинчи сони муштарийлар қўлига бориб теккан журналнинг "Pazandachilik tarixi",

"Dunyoni zabt etgan taomlar", "Havaskor oshpazlar gurungi", "Tahririyat mehmoni" каби рукнлари остида ранг-баранг мақола ва таомларнинг рангли фотосуратлари чоп этилаётгани, миллий ва дунё пазандачилигига оид бадиий лавҳа, латифа, қизиқарли воқеа ҳамда бошқотирмалар барчага бирдек манзур бўлса, ажаб эмас.

Фарида ҚУРБОНОВА

Нашрга тайёрловчи: Бойбўта ДЎСТҚОРАЕВ

ТАБРИК

“UZTRANSGAZ”

акциядорлик компанияси жамоаси

муҳис онажонларимизни, меҳрибон ва дилбар опа-сингилларимизни яқинлашиб келаётган

8 март — Халқаро хотин-қизлар куни

билан табриклайди.

Ҳамиша бор бўлинг, соғ-саломат бўлинг, қадрли аёллар!



ДАМ ОЛИШ МАСКАНЛАРИДА

“Чортоқ” сувининг мўъжизаси

Юртимизда «Чортоқ» санаторийси тўғрисида эшитмаган киши бўлмаса керак. Дарҳақиқат, сиҳатгоҳ сувининг шифобахшлиги, кўпгина беморлар бу ердан даво топаётганлиги, табиатининг хушманзаралиги билан одамларнинг оғзига тушган десак, муболаға бўлмайди. Оромгоҳда нафақат мамлакатимиздан балки, Мустақил давлатлар ҳамдўстлигидан ҳам кўплаб фуқаролар келиб дам олишади. Ҳар йили ўн икки минг киши шифо топади. Асосан, суяк-мускул, асаб тизими, овқат ҳазм қилиш аъзолари хасталиклари, қандли диабет, бўқоқ, тери гинекология ва андрологик касалликлар билан оғриган беморлар ҳамда ўткир миокард инфарктидан кейинги реаблитация пайтидаги кишилар даволанишади.

Олимларнинг хулосасига кўра, «Чортоқ» санаторийси сувининг таркиби машҳур Трусковец курортидаги сувга жуда яқин бўлиб, у ошқозон-ичак, жигар, ўт йўли ва бошқа бир қанча ички касалликларини даволашда қўл келади.

Санаторийда биз Жиззах вилоятининг Дўстлик туманидан келиб дам олаётган Тоҳир Умрзоқовни учратдик.

– Бешинчи марта бу ерга келишим, – дейди у. – Бу ернинг суви, муолажалари, табиати менга жуда маъқул бўлди. Тўғриси, биринчи марта келганимда машинадан зўрға тушгандим. Оёқларим оғрир, юришим ҳам анча қийинлашиб қолган эди. Бир ҳафтача ванна қабул қилгач, аҳволим батамом ўзгарди. Назаримда танамдаги шамоллаш ва бошқа дардлар ўзидан йўқолгандай эди. Умуман, бу ердаги барча муолажаларнинг саломатликка фойдаси катта. Айниқса, суви бебаҳо. Юртимизда бундай сиҳатгоҳнинг борлиги бизга Яратганнинг берган инъоми деб ўйлайман.

Биз санаторийда мазмунли ҳордиқ чиқараётганлигидан мамнун бўлган юртдошларимизни кўп учратдик. Улар мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан ташриф буюришган. Назаримда, бу ерда бир марта даволанган киши албатта, иккинчи марта яна келиши шубҳасиз.

Сиҳатгоҳ республикамиздаги энг тўнғич шифо масканларидан бири ҳисобланади. У 1960 йилдан бери фаолият юритиб келаяпти. Ўтган даврда бу масканда дам олувчиларнинг мароқли дам олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилди. Бир қатор ётоқхона бинолари, 600 ўринли санъат саройи, махсус ванна билан даволаш бинолари қурилди. Айниқса, сиҳатгоҳ ҳудудининг ободонлаштирилгани, ҳовлидаги равон ва икки томонида дарахтлар ўсган йўлакчалар кишининг эътиборини тортади.

Биз бир нарсани алоҳида таъкидлаш зарур деб ўйлаймиз. Санаторий ҳар йили замонавий даволаш ускуналари, лаборатория жиҳозлари билан бойитиб борилмоқда. Баъзи бир тиббиёт аппаратларини юртимиздаги бошқа санаторийларда учратмайсиз. Шу боис суви, муолажалари, иқлими ва табиатига нисбатан «Чортоқ курорти» деган ибора пайдо бўлди. Шунингдек, бу ернинг табиий даволаш хусусиятлари тўғрисида илмий-тадқиқот ишлари ҳам олиб борилган. Хусусан, бир неча номзодлик ва докторлик диссертациялари ёқлангани ҳам фикримизнинг далилидир.

Ўтган йили ҳам санаторийга хориждан замонавий, жаҳон андозларига жавоб бера оладиган бир неча тиббий жиҳозлар ва лаборатория ускуналари олиб келинди. Уларнинг умумий қиймати 58 миллион 700 минг сўмни ташкил қилди.



Умуман сиҳатгоҳ жамоаси дам олувчиларнинг мазмунли ҳордиқ чиқариши, сифатли муолажа олиши учун мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланмоқда.

Шу билан бирга биноларнинг бир қисми таъмирланди, қаттиқ мебеллар юмшоғига алмаштирилди. Шифокорларнинг малакасини ошириш борасида ҳам режа асосида иш олиб борилаяпти. Хусусан, етти нафар ҳамшира ўз малакасини оширди ва етти нафар врачга янги тоифа берилди. Шунингдек, врачларни мунтазам равишда семинар ва конференцияларга юбориш йўлга қўйилди. Стоматология, гинекология, андролог мутахассислари учун алоҳида хоналар ажратилиб, уларнинг иш шароитлари яхшиланди.

– Биз фаолиятимизда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши Курортлар бошқармасининг ёрдамини доимо сезиб турамиз, – дейди «Чортоқ санаторийси» очиқ акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Шамсиддин Абдуназаров. – Шифо масканининг шароити яхшиланиб нуфузи ортиб боришида албатта, бошқарманинг алоҳида ўрни бор. Фуқароларимиз учун энг машҳур санаторийлардан қолишмайдиган шароит яратиш режалаштирилган. Мақсадимиз дам олувчиларга янада қулайлик яратиш ва уларнинг мазмунли ҳордиқ чиқариши учун доимий равишда изланиш олиб боришдир. Бу борада Курортлар бошқармасининг бевосита кўмагида хориж тажрибасини ҳам ўрганаяпмиз. Албатта, кўрилаётган чора-тадбирлар ўз самарасини ҳам бераяпти. Лекин ҳали қиладиган ишларимиз кўп. Айтайлик, дам олувчиларнинг таклиф ва мулоҳазалари асосида айрим бўлимларимизда бир қатор юмушларни амалга ошириш режалаштирилган.



Сиҳатгоҳ жамоаси вилоят ва республика миқёсида шифо масканлари ўртасида ўтказиладиган тадбирларда ҳам фаол иштирок этиб, кўпинча нуфузли ўринларни эгаллаб келади. Мисол учун, ўтган йили санаторийда бўлиб ўтган «Энг яхши ҳамшира» кўрик-танловида биринчи ўринни олган ҳамшира республика танловида иккинчи ўринга муносиб деб топилди.

Биз санаторийда дам олувчилар билан учрашиб, уларни суҳбатга тортдик.

– Менга бу ернинг суви шифо берди, — дейди ўзини марғилонлик Олимахон Мўминова деб таништирган аёл. — Илгари суякларим оғрир эди. Бу сиҳатгоҳга келиб ванна қабул қилгач, дард чекинди. Ҳар йили дам олишга келиб тураман. Бизнинг вилоятда ҳам санаторийлар кўп. Лекин бу ердаги муолажалар сувининг шифобахшлиги, ходимларнинг хушмуомалалиги мени ўзига мафтун қилди.

Сиҳатгоҳ ҳудуди доимо дам олувчилар билан гавжум. Уларнинг кўпчилиги илгари ҳам бу ерга бир неча бор келишган. Суҳбат давомида бунга яна бир бор амин бўлиш мумкин. Энг асосийси, одамлар республикамизнинг турли гўшаларидан ташриф буюришмоқда.

– Дам олувчиларнинг мазмунли ҳордиқ чиқариши учун барча шарт-шароитларни яратиш бизнинг биринчи галдаги вазифамиздир, – дейди санаторий раҳбарининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари Зуҳриддин Қирғизов. – Ҳозир одамларнинг таъби нозик. Сабаби, шифо масканлари ва дам олиш муассасалари кўп. Соҳада рақобат кучайиб бормоқда. Бу биздан хизмат кўрсатиш маданиятини доимо ошириб боришни тақозо этади. Шуни ҳисобга олиб, одамларнинг таклиф ва мулоҳазалари асосида иш юритишга алоҳида эътибор бераяпмиз.

Дам олувчиларни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида бу ерда ёрдамчи хўжалик ҳам мавжуд бўлиб, мунтазам равишда турли хил кўкатлар помидор, карам, картошка, булғор қалампири ва ҳатто қовун-тарвузгача етиштирилишини айтмайсизми. Улар пешма-пеш ошхонага етказиб берилади. Шунингдек, ёз мавсумидан ортган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қишга тайёрланади.

Хуллас, “Чортоқ” санаторийси юртимиздаги энг намунали шифо масканларидан бири ҳисобланади. Сувининг шифобахшлиги, муолажаларининг сифатлилиги, табиатининг хушманзаралиги ҳар қандай кишини ўзига тортиши шубҳасиз.

Ҳосил КАРИМОВ ®

МЕРОС

Беруний ва Наврўз

Наврўз 4 минг йилдан кўпроқ тарихга эга бўлиб, уни Ўрта ва яқин Шарқ, хусусан, Эрон, Афғонистон, Марказий Осиё халқлари севимли байрам сифатида қадимлардан нишонлаб келишган. Янги кун — янги йил билан боғлиқ урф-одатлар халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган, қадрият даражасига кўтарилган. Наврўзга атаб кўшиқ-термалар, лапар ва мақоллар яратилган, шоир ва олимлар шеър-ғазаллар ёзганлар, китоблар битганлар. Улуғ ҳамюртимиз, IX-X асрларда яшаб, ижод қилган ал Ҳаким ат Термизийнинг “Наврўзнома”, Умар Хайёмнинг “Наврўзнома” асарлари, Лутфий, Навоий, Бобур, Муқимий ва бошқа шоирларнинг шеър-ғазаллари, мадҳиялари шулар жумласидандир.

Наврўз байрами, унинг келиб чиқиши, қайси халқларда қай тарзда нишонланиши ва у билан боғлиқ урф-одатлар ҳақида ҳаммадан “кўп ва хўп” ёзган ижодкор эса улуғ қомусий аллома Абу Райҳон Беруниийдир. Олим ижодининг айни гуллаган пайти 27 ёшида милодий 1000-йилда яратилган “Ал осор ул боқия ан ал қарун ул ҳолия” (“Ўтмиш даврлардан қолган ёдгорликлар”) ёки мухтасар айтганда, “Ал осор ул боқия” этнография, тарих, фалсафа, ижтимоий тафаккур ва астрономияга оид жуда кўп маълумотларни ўзида жамлаган бўлиб, жумладан, аждодларимиз — Хоразм, Сўғд, Бақтрия халқлари байрами — Наврўз ҳақидаги билимларимизни ҳам бойитади.

Абу Райҳон Беруний “Ўтмиш ёдгорликлари”да Эрон, Хоразм, Сўғд, Рум, Шом (Сурия) мамлакатларида яшовчи халқларнинг ойлари ва байрамлари тўғрисида батафсил тўхталади, христианлар, настурийлар, яҳудийлар, маъжусийлар, исломдан олдинги араблар ва мусулмонлар урф-одатлари ҳақида хабар қилади.

Беруний Мовароуннаҳр халқларида, жумладан, сўғдларда ҳам йиллар ва айрим ойларнинг бошланишида эронликлардаги мавжуд тартиблар қўлланилганлигини айтади. Фақат йил ҳисобидаги ортиқча беш кун уларнинг тақвимида фарқ қилади. Алломанинг ёзишича, сўғдлар афсонавий подшоҳ Жамшиднинг қайтиб келиш вақтини йил боши қилиб олганлар. Зардушт юзага чиққунга қадар эронликлар ва Ўрта Осиё халқларида йил боши бир хил вақтда бошланган. Зардуштдан сўнг эронийлар тақвимидаги беш кунни кабисали ойлардан ҳар бир ой охирига кўчирдилар. Сўғдлар эса ўз жойида қолдирдилар.

Беруний Ўрта Осиё, жумладан, сўғд халқининг турли-туман байрамлари тўғрисида ўзигача етиб келган маълумотларни беради. Улар Навсар, Басоканж, Нимсард ва бошқалардир.

Навсард ойининг биринчи куни Мовараннаҳр халқлари катта Наврўзни байрам қиладилар. Навсарднинг йигирма саккизинчи куни эса Бухоро маъжусийлари Ромуш оғом номли хайитларини ўтказганлар.

Халқимизда фарвардин ойининг биринчи куни 21 мартда Наврўз бўлган. Берунийнинг ёзишича, Наврўз “баҳор ёмғирининг биринчи томчиси тушушидан гуллар очилгунича, ҳайвонларда шаҳват қўзғалишидан то насл вужудга келгунича ва ўсимлик униб чиқа бошлашидан такомиллашгунча давом этган вақтда келади”, (Абу Райҳон Беруний, танланган асарлар, 1-том, 1968, 253-сах).

Беруний маълумотича, Наврўз оламнинг бошланиши, яъни яратилишига далил қилинган. Ўша куни фалаклар ва ёритқичлар қайта ҳаракат қилишга тушган, қуёш пайдо бўлиб, у туфайли йиллар, ойлар, кунлар маълум бўлган, олам яратилиб, биринчи подшоҳ Каюмарснинг тахтга ўтириши Наврўз куни юз берган. Дарвоқе, Фирдавсий ҳам ўз шоҳномасида бу воқеа Наврўз куни, борлиқ уйғонаётган пайтда рўй берганлигини қуйидагича баён этган:

Ҳамал буржга кириб қолганда офтоб,
Жаҳон ёриб кетди, нурланарди об.
Осмон шодлигидан кулиб боқарди,
Ер юзи ёшариб, чечак тақарди.
Каюмарсга жаҳон шоҳлик буюрди,
Илк бора манзилин тоғ ичра қурди.

(“Шоҳнома”, Тошкент- 1975, 42- сах.)

Демак, Наврўз ана шу сабаблар туфайли байрам қилинади. Ҳатто, худо оламни яратган олти кунинг биринчи куни Наврўз бўлган, деган ақида ҳам мавжуд. Бу мулоҳазаларни Абу Райҳон Беруний турли манбаларга суяниб келтиради. Маълум бўладики, Наврўз Эрон ва Ўрта Осиё халқларининг энг қадимий байрами бўлиб, Фиғкон ойининг биринчи куни ним сарда яъни йил ярми деб аталган. Унинг иккинчи куни ҳайит бўлган. Бу ҳайитни “мин индиҳвора” деб атаганлар. Ўша куни қўноқнинг уни ёғ ва шакардан тайёрланган овқатлар ейилган.

Абу Райҳон Берунийнинг ёзишича, ажам(араб бўлмаган) халқларнинг бу байрамига ислом дини кириб келгач, муносабат ўзгарган. Уни чеклаш, вақтида ўтказмаслик ҳолатлари рўй берган. Ниҳоят, халифа ал Мутаваккил Наврўзни ўтказишни яна ўзининг аввалги муддатига кўчирган. Бундан кўпчилик мамнун бўлган.

Ҳа, Берунийнинг бу маълумотларидан кўриниб турибдики, Наврўз боқий байрам бўлиб, унинг халқ ижтимоий ҳаётидаги ўрни-аҳамияти беқиёс. Шунинг учун бу байрам асрлар мобайнида барча тўсиқлар, чеклашу тазйиқлар, тақиқларга қарамай, тоғ булоғидарёси каби ўзига йўл очиб, кишиларга шодлик-бахт, ризқ-насиба, омад, келажакка умид-ишонч бахш этиб келган, эзгуликларга йўл очган. Берунийнинг эса Наврўз билан боғлиқ маълумотлар, воқеа-ҳодисаларни батафсил келтириши унинг бу байрамга бўлган катта ҳурмати, меҳр-муҳаббати ва муносабатини очиқ-ойдин кўрсатиб турибди.

Муҳаммад АЗИМОВ,
филология фанлари номзоди.

ДЕҲҚОНОБОД АГРОСАНОАТ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ

яқинлашиб келаётган 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни билан озод ва обод юртимиз аёллари — меҳрибон онажонлар, гўзал опасингилларни муборакбод этади. Сизларга тўкис бахт, қувончу шодликлар насиб этсин. Чеҳрангиздан кулгу, табассум ҳеч қачон аримасин.

ҚУТЛОВ

O'ZSANOATQURILISHBANK

жамоаси

юртимизнинг барча хотин-қизларини яқинлашиб келаётган байрамлари

8 март — Халқаро хотин-қизлар куни

билан чин юракдан табриклайди.

Олам Сиз аёллар билан барҳаёт, ҳаётнинг гўзаллиги ва маъниси ҳам сиз азизлар туфайлидир.

Доимо эъзозда бўлинг, умрларингиз узоқ бўлсин, хонадонларингиздан файзу барака ҳеч қачон аримасин!

Ушбу байрам арафасида "Ўзсаноатқурилишбанк" мижозлар учун қулай бўлган –
"МАДАД-1",
"МАДАД-2",
"МАДАД-3" ва
"МАДАД-4"
номли омонат турларини таклиф этади. Мазкур омонатларга йиллик 18 фоиз даромад ҳисобланади. Бундан ташқари, мазкур омонат эгалари рағбатлантирувчи (бонус) фоизларга ҳам эга бўладилар.

Вақт давомида синалган ишонч!

маълумот учун телефон: 120-45-24

Хизматлар лицензияланган

Ўрта тиббий ва доришунос ходимлар малакасини ошириш Республика марказининг Фарғона филиали жамоаси

юртимиздаги барча онахонлар ва опа-сингилларни яқинлашиб келаётган

8 МАРТ — Халқаро хотин-қизлар куни

билан самимий қутлайди.

Азиз аёллар! Сизларга узоқ умр, бахт-саодат ва улкан муваффақиятлар тилаймиз.

Сиёб педагогика коллежи

жамоаси

баҳорнинг илк байрами — 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан юртимизнинг барча аёлларига узоқ умр, бахт-саодат тилайди.

Аёллик бахти, бекалик тахти, оналик мартабаси Сизларни ҳеч қачон тарк этмасин!

8 МАРТ

Зарафшон шаҳридаги "Зарафшон зиёси" хусусий корхонаси жамоаси

гўзал диёримиздаги барча мунис онахонлар, дилбар қизларимизни

8 МАРТ — Халқаро хотин-қизлар куни

билан муборакбод этади. Орзуларингиз ушалсин, қалбингиз нурга тўлсин!

Зарафшон шаҳридаги хусусий тадбиркор Улуғбек Қодиров

8 март — Халқаро хотин-қизлар куни билан мамлакатимиздаги барча аёлларни табриклайди. Юзингиздан кулгу аримасин, азиз аёллар!

АЙЁМОНА

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР!

Ўз ишлаб чиқаришингизни такомиллаштириш бўйича ғояларингиз бўлса, янги замонавий ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ҳамда ўз корхоналарингизни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, шу асосда рақобатбардош, экспортга йўналтириладиган маҳсулот ишлаб чиқаришни хоҳласангиз «Пахта Банк»ка мурожаат қилинг!

ОАТБ "Пахта Банк" Сизнинг инвестицион лойиҳангизни қўллаб-қувватлайди ва молиялаштиради!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги ПФ-4058-сонли Фармони ижросини таъминлаш ва Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 31 декабрдаги 288-сонли қарорига асосан иқтисодиётнинг реал сектори соҳасида корхоналарни ва инвестицион фаолликни кредит йўли билан қўллаб-қувватлаш мақсадида «ПАХТА БАНК» қуйидаги йўналишларга:

— ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, агросаноат мажмуасининг етакчи тармоқлари корхоналарининг локализация даражасини ошириш ҳамда шу асосда янги, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга;

— ишлаб чиқариш, ижтимоий, транспорт ва телекоммуникация инфратузилмасини шакллантириш ҳамда ривожлантириш бўйича ижтимоий аҳамиятга эга давлат дастурлари ва лойиҳаларини амалга оширишга;

— корхоналарнинг экспорт салоҳиятини ошириш, хусусан, замонавий асбоб-ускуналар ва минитехнологиялар сотиб олиш, ички бозорни сифатли маҳаллий товарлар билан тўлдиришга

камида 1 йиллик имтиёзли давр билан 3 йилдан ортиқ муддатга ва йиллик 14 фоиздан ошмаган ставкада имтиёзли кредитлар ажратади.

Мижоз кредит олиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

— кредитнинг мақсади кўрсатилган ариза;

— пул оқимлари прогнози кўрсатилган бизнес-режа;

— техник-иқтисодий асосланиш, шунингдек, ушбу инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг бориши тўғрисидаги ахборот;

— корхонанинг охирги 3 йилдаги молиявий ҳисоботлари;

— инвестицион лойиҳа асосида ишлаб чиқариладиган экспортбоп маҳсулот учун тузилган шартномаларнинг нусхалари;

— кредитнинг таъминоти бўйича маълумот.

Батафсил маълумот олиш учун «ПАХТА БАНК»нинг барча филиаллари ёки 150-53-44 телефон рақамига мурожаат қилишингиз мумкин.

«ПАХТА БАНК» — СИЗНИНГ ИШОНЧЛИ МОЛИЯВИЙ ҲАМКОРИНГИЗ!

ҲАЁТ САБОҚЛАРИ

Парвоз қилаётган одам...

** Менинг бугуним кечаги кунимни инкор этаяпти. Юқорига кўтарилаётганда зиналардан сакраб-сакраб ўтаман. Бунинг учун мени бирорта ҳам зина кечирмайди.*

** Мабодо сен билимнинг жонбози бўлолмасанг, лоақал унинг жангчиси бўл.*

** Парвоз қилаётган одамни ҳаммадан кўра кўпроқ ёмон кўрадилар.*

** Баъзиларга қўлингни эмас, ўткир тирноқли панжаларингни чўз.*

** Темир оҳанрабога деган экан: «Сени жинимдан ҳам ортиқроқ ёмон кўраман, чунки сен ўзингга тортасан, лекин бутунлай тортиб олишга ожизлик қиласан».*

** Бир умрга фақат шогирд бўлиб қолган кимса ўз устози олдидаги қарзини ёмон ўтаган бўлур.*

Г. ЙЎЛДОШЕВА тайёрлади.

ДИЛ СЎЗИ

ШУКРОНАЛИК

Ҳар сафар почтага пенсиямни олгани борганимда ёш аёлларнинг болаларига бериладиган нафақа пулларини олиб, кетишаётганига гувоҳ бўламан.

Ҳозир оналар туғилган ҳар бир фарзанди учун суюнчи пули, боласи икки ёшга етгунча нафақа олишади. Уларни кўриб, кўз олдимда ўтган асрнинг 30 йилларида кечирган оғир турмушимиз гавдаланади. Ёш келинлар ҳозиргидек ғўдакларига нафақа олишни тасаввурларига ҳам сиғдиролмасди. Аксинча, нон йўқлигидан кунжара, кепак еб пахта далаларида ишлашар эди.

Ерни кетмонда чопиб, кесагини майдалаб пахта экишга, белгиланган режани бажаришга мажбур эдик. Аёллар эса чақалоқларини дала бошидаги дарахт шохларидаги қўлбола беланчакка ётқизиб, кетмон чопишга мажбур бўлишарди. Қуёш тиғида ишлаган онанинг иссиқ сутини эмган бола касал бўлиб қолар, унга қарайдиган докторлар ҳам анқонинг уруғи эди.

Аллоҳнинг хоҳиши-ю, Юртбошимизнинг саъй-ҳаракати туфайли миллатимиз орзуси ушалди. Мустақил давлатнинг фуқароси бўлдик. Пенсия ва нафақа нималигини кўз олдимизга келтира олмаган биз қариялар пенсиямизни, оналар эса нафақа пулларини олмоқдалар. Бундай замоннинг қадрига етиш, мустақилликни асраб-авайлаш, ҳар бир кунимизга шукроналар айтишимиз лозим.

Эргаш ота ТОШМУРОДОВ,
меҳнат фахрийси,
Янгийўл туманидаги
Гулбаҳор қўрғони.

Ўрта Чирчиқ туман халқ таълими бўлими жамоаси

Намлакатимиздаги нуфис онахонларни, азиз опа-сингилларимизни 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни билан табриклайди. Сиз аёлар туфайли олам чароғон. Қалбингиз доимо нурга тўлсин, бахт-иқбол ёр бўлсин!

TURON BANK

"ТУРОН БАНК" жамоаси

яқинлашиб келаётган нафосат ва гўзаллик айёми — **8 МАРТ ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ** билан юртимиздаги барча аёлларни самимий муборакбод этади.

Хонадонларидан тинчлик-хотиржамлик, дастурхонларидан файз-барака аримасин.

"ТУРОН БАНК" – Сиз билан, Сиз учун!